Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар ходимларининг билим ва тажрибаларни юксалтириш бўйича замонавий таълим ва тарбия тизими талабларга жавоб берадиган ишлар йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, мазкур тизим бугунги кунда ички ишлар ходимларига нафақат ўз маҳоратини, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш имконини беради, балки уларга келажакда жанговар хизмат фаолиятида тажриба ҳамда маҳоратга эга бўлиш учун кенг имкониятлар яратади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳофаа салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди, ёшлар ва ички ишлар ходимларини ички ишлар ходимларининг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилди”[5]. Шунинг билан бир қаторда ички ишлар ходимларининг руҳий тайёргарлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги концепцияси ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, ички ишлар ходимларини ўқитиш ва тарбиялаш ишлари янги фикрлайдиган. Ватани, халқи ва мамлакатига содиқ офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ҳамда маънавий-ахлоқий тизимни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, кўролмаслик, ёвузлик, туҳмат қилиш каби салбий иллатларга ўрин қолмайди. Шу нуқтаи назардан ички ишлар ходимларининг маънавий қамолотини юксалтириш замини – бўлиб хизмат қиладиган миллий-маънавий кадриятларимизни асосий турларга ажратишга ва уларнинг маънавий фазилат сифатида уларга ўргатиш муҳим ҳисобланади. Ички ишлар ходимлари кундалик фаолиятида маънавиятнинг моддий кучга айланиши аввало уларнинг ҳатти ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади.

Ички ишлар ходимларининг билишга бўлган қизиқишини орттиришда улар ўртасидаги илмий-

ижодий рақобатнинг аҳамияти катта. Бу рақобат дарс жараёнида, илмий тўғарак мажлисларида, илмий-назарий, илмий-амалий йиғинларда ва турли даража ва йўналишга эга бўлган кўрик ва олимпиадаларда янада ўткирлашади ва бу ички ишлар ходимларига изланиш рағбатини беради. Бу борада академия тизимида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Аммо уларга замонавийлик ва талабчанлик, ижодкорлик руҳини кўпроқ сингдириш лозим. Бу рақобат давлат ташқарисига чиқиши, мамлакат ёшлари ўз илмий салоҳиятларини миллий ғурур ва ифтихор сифатида халқаро аудиторияларида ҳам намойиш қилишлари керак.

Ички ишлар ходимларининг ўз қизиқишига кўра илмий тадқиқот ишига кириб келиши унинг илмий тадқиқотга жалб қилинишидан мутлоқ фарқ қилади. Баъзан учрайдиган амалдаги ҳисобот учун шакллантирилган илмий ижодий фаолият ижобий натижалар беришдан анча йироқдир. Ички ишлар ходимларининг ижтимоий фаоллигини оширишда академияда ташкил этилган замонавий таълим-тарбия тизими ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур интеграцияда, бир томондан, таълимда амалга оширилаётган туб ислохотлар, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган модернизацион жараёнлари бир-бирларига шундай талабларни қўймоқдаки, натижада мазкур талаблар портфели, бир томондан, ҳарбий таълим тизимини янада мукаммаллаштириш, уни

самарадорлигини ошириш, мақсадлилиқ кўрсаткичини янада аниқлаб олишни, иккинчи томондан эса, ҳарбий таълим соҳасидаги ишлаб чиқариш жараёнини ҳозирги замон интеллектуал салоҳиятига эга бўлган ёш ҳарбий кадрларни тарбиялашга катта замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, жамият маънавиятини юксалтиришда аждодларимизнинг бой маънавий мероси, миллий ва ахлоқий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, муқаддас динимизнинг ўрни бекиёсдир. Шунингдек, бирон-бир халқ ўз тарихини билмай, асрлар оша яратилган маънавий меросга таянмай ва уни янада ривожлантирмай туриб, ўз келажагини тасаввур эта олмайди. Иккинчидан, мамалкатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ёшларимизнинг маънавий қамолотини юксалтириш, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маданий меросимиз, миллий қадриятларимизнинг тикланишига, энг асосийси ўзлгимизни англашга катта таъсир кўрсатди, халқимизнинг буюк яратувчанлик анъаналарини руёбга чиқаришга хизмат қилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ислохотлар натижасида жамиятимизда соғлом маънавий-маърифий муҳит яратилмоқда. Маълумки, барча давлатларда ҳам тараққиёт, авваламбор, инсонларнинг ва айниқса ёшларнинг маънавий қамолоти билан белгиланади, ҳар томонлама тараққиёт этган давлат юксак маънавият заминидан вужудга келади.

Адабиётлар

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон
2. Махмудов Т. Инсон ва маънавият// Тафаккур ва тақдир. -Т.: «Маънавият», 1998. 34-б.
3. Эрқаев А. Маънавият – устун йўналиш. // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 2, 20-22-б.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 07/18/3898/1622-сон; 11.12.2019, 06/19/5892/4134-сон; 23.04.2020 й., 06/20/5983/0490-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада, Ички ишлар ходимларининг билишга бўлган қизиқишини орттиришда илмий-ижодий рақобатнинг аҳамияти, дарс жараёнида, илмий тўғарак мажлисларида, илмий-назарий, илмий-амалий йиғинларда ва турли даража ва йўналишга эга бўлган кўрик танлов ва олимпиадаларда янада ўткирлашиши, ички ишлар ходимларида замонавийлик ва талабчанлик, ижодкорлик руҳини кўпроқ сингдириш лозимлиги борасида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье раскрывается значение научно-творческого конкурса в повышении интереса сотрудников органов внутренних дел к учебе, оттачивание в ходе урока, заседаний научного кружка, научно-теоретических, научно-практических сборов и экзаменов и олимпиад разного уровня и направленности, современности и требовательности в сотрудниках внутренних дел, говорят о том, что надо больше прививать дух творчества.

SUMMARY. In this article, the importance of scientific and creative competition in increasing the interest of internal affairs officers in learning, sharpening in the course of the lesson, scientific circle meetings, scientific-theoretical, scientific-practical gatherings and examinations and olympiads of different levels and directions, modernity and demandingness in internal affairs officers, it is said that the spirit of creativity should be more inculcated.

АСОСИЙ ГИМНАСТИКАДА ХАРАКАТ ВА КАСБИЙ БИЛИМ ҲАМДА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

И.С.Хайтметов – катта ўқитувчи

А.Р.Мусаева – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: махсус-ҳаракат тайёргарлик, жисмоний ва техник тайёргарлик, амалий гимнастика машқлари, координацион ва куч чидамлилиқ асосий гимнастика воситалари, амалий кўникма ва назарий билимлар.

Ключевые слова: специально-двигательная подготовка, физическая и техническая подготовка, упражнения прикладной гимнастики, основные гимнастические средства координации и силовой выносливости, практические навыки и теоретические знания.

Key words: special motion training, physical and technical training, applied gymnastics exercises, basic gymnastic means of coordination and strength endurance, practical skills and theoretical knowledge.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 24 январь 2020 йилдаги ПФ-5924-сонли фармони, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спорт йўналишида улкан ишлар сиёсат даражасида амалга оширилмоқда, вилоятларда чекка қишлоқларда оммавий спортни татбиқ этиш, энг асосийси вояга етиб келаётган болаларимизни ҳар томонлама ҳам жисмонан ҳам ақлан уларни тарбиялаш ва махсус спорт йўналишларига йўналтириш, бу ислохотларнинг барчасида юқори малакали спорт усталарини олиб чиқиб, Республика миқёсида ўтказиладиган мусобақалар ва нуфузли мусобақаларга қатнашишни ташкил этиш.

IV босқичли вилоят, туман, шаҳарлараро ёш спортчилар орасидан иқтидорлиларни саралаб олиш ва шаффоф мусобақа республика тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; [1:2].

Спорт гимнастика, бадий гимнастика спорт турларида таълим берувчи бўлажак ўқитувчи-мураббийларнинг ўқув-услубий, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича асос бўла оладиган ўргатиш услубларини ишлаб чиқиш асосий вазифа ҳисобланади: бу ишларнинг замирида ўқитишнинг касбий-педагогик йўналтирилганлиги туради.

Асосийси гимнастика назарияси ва услубияти фанида амалга оширилаётган илмий ишлар, тадқиқотларнинг сифати ва долзарблигини амалга оширишини талаб этилади. Аниқланган муаммолар ватанимизнинг олий таълимнинг спорт соҳасида, асосийси спорт гимнастика бўйича юқори маҳоратли мутахассисларнинг касбий ва малакавий тайёргарлигини кўриб чиқиш, ушбу муаммоларини бир бирига боғлиқлигини аниқлаб беради. Бу ишларнинг замирида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини долзарблигини белгилаб беради [3:7].

Тадқиқот мақсади: гимнастикачиларда касбий билим ва кўникма малакаларини босқичма-босқич ривожлантириш ўқув-машғулоти дастурини ишлаб чиқиш ва тажрибаларда уни асослаб бериш.

Тадқиқотнинг вазифаси: ўқув ва педагогик амалиёт якунлари бўйича талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.


Тадқиқот услублари: назарий қоидаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; педагогик кузатувлар; гимнастика бўйича ихтисослашаётган талабаларнинг жисмоний ва спорт-техник тайёргарлигини аниқлаш; математик статистика услублари

Тадқиқотлар 2022 йил январдан 2022 йил майгача Чирчиқ шаҳри Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия университетида гимнастика назарияси ва услубияти кафедрасида ўтказилди. Унда гимнастика бўйича ихтисослашаётган 1-4 босқич талабалари қатнашишди. Тадқиқот уч босқичда ўтказилди.

Тадқиқот натижалари: Педагогик кузатувлар шуни кўрсатдики, ўқитувчилар ўқув машғулоти жараёнида сафда бажариладиган ва умумривожлантирувчи машқларни ўрганиш ҳамда такомиллаштиришга ажратиладиган вақтни асосиз равишда кўпайтиришган, бу снарядларда бажариладиган машқларни ўргатиш ва такомиллаштириш устида ишлаш учун ажратиладиган вақтнинг 23,5% га камайишига олиб келган. Шунинг учун курс раҳбарлари кўпқурашнинг учта тури ўрнига иккита турида машғулотлар ўтказишларига тўғри келган, бу талабаларга нафақат дастурнинг режалаштирилган машқларини ўзлаштиришга, балки ўқув амалиётини ҳам тўлиқ ҳажмда ўтказишга имкон бермаган (**1-2 расм**).




1-расм. «Гимнастика» ихтисослиги бўйича талабаларнинг саккиз семестр мобайнидаги саф машқларини ўтказишга доир назарий билимлари ва амалий кўникмалари кўрсаткичлари динамикаси



2-расм. «Гимнастика» ихтисослиги бўйича талабаларнинг саккиз семестр мобайнидаги УРМ ўтказиш борасидаги назарий билим ва амалий кўникмалари кўрсаткичлари динамикаси


Хронометраж маълумотларига кўра, ўқув машғулотида сафда бажариладиган УРМ учун режалаштирилганига нисбатан етарлича вақт ажратилганда (мос равишда 13.8 ± 1.23 ва $21.7 \pm 0.63\%$) талабалар комплексларни назарий жиҳатдан заиф ўзлаштиришган ва уларни бўлинмаларда, айниқса педагогик ва ташкилий амалиёт жараёнида уларни аниқ асослашда, ифодалашда ва услубий жиҳатдан тўғри ўтказишда жиддий хатоликларга йўл қўйилган. Амалий кўникмалар катталиги педагогик амалиёт бошида ошади (6 семестр, 6.2 ± 0.77 балл) ва ўқув йили якунига келиб яна камаёди (8-семестр, 5.75 ± 0.73 балл). Назарий билимлар даражаси эса таълимнинг барча босқичларида аниқ паст даражада бўлган (3.98 ± 0.64 и 5.23 ± 0.54 балл).

Гимнастика назарияси ва методикасидан маълумки, амалий гимнастика машқлари инсон жисмоний фаолиятининг турли соҳалари учун амалий фойдалигидан ташқари, куч, тезлик, чидамлик ва эпилликни такомиллаштиришда улкан аҳамиятга эга. «Гирмашиб чиқиш машқлари» ҳамда «Мувозанат машқлари»да кўпроқ камаёди. 4-босқичда тахсил олаётган талабаларининг 70% дан ортиғи синов вазифаларини нафақат техника, хатто амалий гимнастикадан назорат машқларини ўргатиш услубида ҳам жиддий хатолар билан шуғулланишди (5.75 ± 0.67 балл), (**3-расм**).




3-расм. Шуғулланувчиларнинг амалий гимнастика машқларни ўтказиш бўйича назарий билимлари ва амалий кўникмалари кўрсаткичлари динамикаси

Назорат синовлари шуни кўрсатадики, координацион қобилиятлар (5.89 ± 0.89 балл), динамик (6.7 ± 1.02 балл) ва статик куч (6.97 ± 0.97 балл), координацион ва куч чидамлиги (6.67 ± 0.79 балл) кўрсаткичлари катталиги зарур бўлганидан анча кам (**4 расм**). Шунинг учун МЖТнинг паст даражаси талабаларга машқланганлик ва махсус-ҳаракат тайёргарлигининг режалаштирилган даражасига эришишга тўсқинлик қилди.



4-расм. 2-3-босқич талабаларида жисмоний тайёргарлик бўйича назорат мусобақаларини баҳолашиши

Мураккаб ҳаракатчанлик координациясига эга спорт йўналишлари етакчи назарийчилари тавсиялари, шунингдек, дастлабки тадқиқотлар натижалари қуйидагиларни аниқлаш имконини берди: асосий гимнастика воситаларининг семестрлар ва ўқув йилларидаги фоиз нисбатлари; уларнинг СПМО курси, академик ва ўқув-машқ машғулотида оқилона тақсимланиши; махсус-ҳаракат тайёргарлиги (**5-расм**), асносида 1-4 босқич шуғулланувчиларнинг ҳаракат малакаси ва касбий-педагогик билимлар ҳамда кўникмаларни босқичма-босқич шакллантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш имконини берди.



5-расм. 1-4-босқич талабалари томонидан ўқув дастури машқлари ва кўпкураш малакавий дастури элементларини ўрганиш бўйича амалий кўникма ва назарий билим кўрсаткичлари динамикаси

Гимнастика асбобларда бажариладиган машқларни ўзлаштириш технологияси, махсус-ҳаракат (хореография), жисмоний ва техник тайёргарлик бўйича дастур элементларини ўргатиш ва ўқув ҳамда машқ қилиш машғулотларини ўтказиш воситалари ва услубларидан фойдаланиш юзасидан касбий-педагогик масалалар минимумгача камайтирилган, яъни умуман ўтказилмаган. Шунинг учун талабалар ўқув амалиёти жараёнида асосий гимнастика воситалари ва усулларини танлаш масалаларида ва гимнастика кўпкураши машғулотларини ўқитишда қийналишган (3.6-расм). Жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлиги бўйича машғулотларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ушбу билимлар эса гимнастика бўйича бўлажак мутахассисга мамлакатимизнинг ўқув ва соғломлаштириш муассасаларида ишлаётганда керак бўлади.

ХУЛОСА. Муаммонинг назарий томондан ўрганилиши ва тажрибалардаги тадқиқотнинг якуний натижалари қуйидаги хулосалар ва таклифларни шакллантириш имкониятини берди:

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 январдаги “Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5924-сонли қарори.
2. Абдуллаев А., Ханкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усули: Дарслик. -Т.: 2005, 231-б.
3. Eshtayev A.K. Sport gimnastikasi mashg'ulotining nasariy asoslari (uslubiy qo'llanma). O'DJTI nashriyot-matbaa bo'limi. -T.: 2009, 113-b.
4. Мусаев Б.Р. Олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг гимнастика бўйича касбий-педагогик кўникмаларини шакллантириш. Дисс. ... канд. пед. наук. -Ташкент: ЎзГИФК, 2011, 180-б.
5. Умаров Д.Х. Ёш гимнастикачилар жисмоний сифатларини тайёр-гарлик босқичида ривожлантириш технологияси. Дисс... канд. пед. наук. -Т.: ЎзГИФК, 2007, 187-б.
6. Хайтметов I.S. Sport pedagogik maxorati oshirish. (Badiiy gimnastika) Xoreografik mashqlarini o'tkazish uslubiyoti. O'quv-qo'llanma. -T.: «Davr matbuot savdo», 2020, 176-b.

РЕЗЮМЕ. Ишда қўрилган асосий масалалар гимнастика бўйича бўлажак ўқитувчи ва мураббийларнинг ўқув-услубий фаолиятини ташкил қилиш жисмоний тарбия фаолияти учун муҳим бўлган дидактик тамойилларни амалга оширишга урғу берилган: яхлитлик, оптималлик, ўқитишнинг касбий-педагогик йўналтирилганлиги.

РЕЗЮМЕ. Основные вопросы, рассматриваемые в работе являются организацией учебно-методической деятельности будущих учителей и тренеров по гимнастике, реализация важных для физического воспитания дидактических принципов: целостности, оптимальности, профессионально-педагогической направленности обучения.

SUMMARY. The main issues considered in the work are the organization of educational and methodological activities of future teachers and trainers on gymnastics, the implementation of didactic principles important for physical education: integrity, optimality, professional and pedagogical orientation of training.

UDK.290-291; 414(2022)

MUZIKALÍQ SHÍĠARMALARDÍ JOQARÍ DÁREJEDE ATQARÍWDA BARLÍQ ATQARÍWSHÍLÍQ USÍLLARINAN PAYDALANÍW

G.Xodjametova – tariyx ilimleriniń kandidati, docent

Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filiali

Tayanch so'zlar: san'at, madaniyat, ijro etish, konsert, milliy kolorit, pedagogik texnologiyalar.

Ключевые слова: искусство, культура, исполнение, концерт, национальный колорит, педагогические технологии.

Key words: art, culture, performance, concert, national color, pedagogical technologies.

Ádebiyat hám kórkem óner dekalaları, milliy teatrлар hám koncert jámáatleri gastrolları, súwret hám kitap kórgizbeleri, kórkem iskerliktiń basqa kóplegen formaları ruwxıy turmıs salasındaǵı milliy múnásibetlerdi ózinde sáwlelendiredi. Ozbek muzika kórkem óneri ustaları hár qıylı qońsılás Respublikalarda hám sırt ellerde óz uqıpların tabıslı kórsetiw etpekte. Olardıń shıǵıwları biziń qádiriyat hám dástúrlerimizge salıstırǵanda janlı qızıǵıwshılıqtı oyatpaqta hám arttırmaqta.

1. Махсус адабиётлар ҳамда илмий тадқиқотлар таҳлиллаб ва олимларнинг илмий изланишлари шунинг кўрсатадики, Гимнастика назарияси ва услубияти фан сифатида бўлажак мураббий ва педагогларнинг касбига масъулият ва талабларни қўяди. У ёш гимнастикачиларни соғломлаштириш, таълим ва тарбия беришини мукаммал билиши, спорт гимнастика ва бадий гимнастикани махсус машқларидан унумли фойдалана олиши, меҳнат, амалий кўникмаларига эга бўлишини тақозо этади, бунда албатта ўқитувчи-мураббийнинг услубий бой маҳоратини эгаллашлари керак бўлади.

2. Ёш спорт гимнастикачилар ва бадий гимнастикачиларни тайёрлашда жисмоний қобилиятларини ривожлантиришига улкан таъсир кўрсатади. Бироқ мустақил машғулотларда анъанавий ҳамда ноанъанавий гимнастика махсус машқлари воситаларидан фойдаланиш имкониятини илмий томондан ёндашувчи ва асослаб берувчи махсус адабиётлар камлиги билан ажралиб туради.

3. Биринчи босқич талабаларининг махсус-ҳаракат тайёргарликлари дастлабки тадқиқотларнинг бошланғич босқичидаги баҳоси бўйича қуйидагиларни кўрсатди;

- олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинганлар гимнастика ва бадий гимнастика кўпкураши элементларидан кўп қисмини намойиш қилиш ва ўтказишини қисман билмайдилар;

- Жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлиги бўйича машғулотларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ушбу билимлар эса гимнастика бўйича бўлажак мутахассисга мамлакатимизнинг ўқув ва соғломлаштириш муассасаларида ишлаётганда керак бўлади.

keley oqıtıwshı insańǵa kóp nárse baylanıslı ekenligin kórsetedi. Usı faktorlar muzıka baǵdarında tálim alıp atırǵan student-jaslarǵın jeke múmkinshilikleri, bilim potentsialı, atqarıw uqııbı, ruwxıy-etikalıq sapaları, usınıń menen birge psixikalıq jaǵdayın tárbiyalawda ayırıqsha orınǵa iye.

“Sol sebepli óz huqıqın biletuǵın, óz kúshi hám múmkinshiliklerine taya-natuǵın, átirapında júz bolıp atırǵan waqıya-qubılıslarǵa óz betinshe pikir bere alatuǵın, áyne zamanda jeke máplerin mámleket hám xalıq mápleri menen uyqas halda kóretuǵın, hár tárepten barksámal insanlardı tárbiyalaw wazıypası sheshiwshi máselege aylanıp atır” [2:78-79].

Jańa oqıw sistemasına ótiw, jańa tálim standartların ózlestiriw, jańa modullar, jańa túpkillik ózgerisler, jańasha zamanagóy pedagogikalıq hám tálim texnologiya usılları tiykarında jumıs júrgiziwde talap etpekte.

Pedagogikalıq texnologiya - arnawlı oqıtıw usılları, metodları, formaları, psixologiyalıq jolları hám tárbiyalıq quralları kompleksi, kompleksi, psixo-pedagogikalıq úgitler jıyındısı.

Tálim texnologiyası - tálimniń óz aldına qoyǵan anıq maqsetine erisiw procesi, onıń ulıwma mazmunı, tálim procesin aldınan islep shıǵılǵan hám joybarlastırılǵan arnawlı bir metod, usıllar pütün sisteması tiykarında basqıshpabasqısh basqarıw, usı qurallardan nátiyjeli hám ónimli paydalanıw, sońında tálim procesin joqarı dárejede basqarıw.

Jańalanıp atırǵan jámiyette milliy qadıriyatları qayta tiklew, insan ruwxıylıǵın kóteriń, saw-slamat sociallıq ortalıqtıń qalıplesiwı, tálim-tárbiyanıń maqsetli, sistemalı, úzliksiz hám izbe-iz alıp barılıp atırǵanlıǵı, jetkinshek ushın keń múmkinshilikler esigi ashılıwı puqaralar ruwxıy - etikalıq jetikligin támiyinlew máselesiniń mámleketlik siyasatı dárejesine kóteriliwı menen ámelge asırıladı.

Jańa zamanagóy ilimiy-texnikalıq rawajlanıwın tapqır, joqarı oylaw páziyetlerine iye bolǵan jaslarımız qıyalımızda sawlelendiriw qıyın. Usınıń sebebinen joqarı oqıw orınlarında, jaslar shólkemlerinde, orta arnawlı hám ulıwma orta bilim beriw mektepleriniń joqarı klass oqıwshıları arasında ilimiy oylaw talap etetuǵın, onıń páziyetlerin rawajlandıratuǵın, jetilistiretuǵın arnawlı shınıǵıwlar alıp barıw hám sol tarawdı jaqsı ózlestirgen qanıgeler tayarlaw barlıq oqıw mákemelerinde ǵalabalıq turde alıp barılıwı kerek [3:143].

Fortepiano muzıkası janrların úyreniw muzikalıq tálimniń barlıq basqıshlarındaǵı aktual másele bolıp tabıladı.

Qanıgelik menen saykeslikte studentler ulıwma professional muzikalıq pánler menen bir qatarda arnawlı pánlerdi da úyrenedi. Arnawlı pánler arasında fortepiano stul da zárúrli orın iyeleydi. Studentler ushın bul kurs járdemshi kurs esaplanıp, ol tómendegi maqsetlerdi názerde tutadı:

- fortepianoda atqarıwshılıqtıń elementar kónlikpelerin payda etiw;
- koncertmeysterlik, ansambl atqarıwshılıǵı kónlikpelerin payda etiw;
- fortepianoda namalardı atqarıwshılıq hám olardı kerekli usılda armoniyalastırıw;

Muzıqalıq dúnyaǵa kóz qarasarın keńeytiw, djaz muzıkasınıń hár qıylı janr hám usıllardaǵı dóretpeleri menen tanısw;

- tanıs emes muzikalıq shıǵarmanı nota qaǵazdan oqıw kónlikpelerin payda etiw;
 - Atqarıw sheberligin payda etiw arqalı tınlaw, atqarıwshılıq kónlikpelerin ámelde bekkemlew.
- Sol talaplarǵa uyqas halda tómendegi baǵdarlama dúzilgen hám oǵan tómendegi dóretpeler kiritilgen:
- Polifoniya pyesalar;
 - Iri formada jazılǵan dóretpeler - hár qıylı quramalıqtaǵı sonata hám sonatina, rondolar kiredi.

Fortepiano háreketleri dinamikalıq principlerge tiykarlangan ájayıp mexanizmler bolıp tabıladı; klaviaturanı az-azdan basıp, klaviatura seslerdi esitiw qıynlaw boladı,

sebebi tarların shınıǵırın esitiw ushın janlılaw atqarıwshılıq kerek boladı.

Fortepiano ushın stuldıń zárúrliǵı, studentlerde professional sıpatların rawajlandırıwdaǵı roli jáne bul kurs boyınsha muzikalıq materialdıń jetkilikli emesligin esapqa alǵan halda kásip tálimi baǵdarı (vokal kórkem óneri hám saz-áspablar atqarıwshılıǵı) ushın usı oqıw-stilistik kompleks jarattıq [4:59].

Atap ótiw kerek, usınıs atırǵan jumista studentlerdi fortepiano baǵdarı boyınsha tayarlaw metodıkası izbe-izligi berilgen.

Fortepiano klasındaǵı studentlerge tálim hám tárbiya beriw procesiniń tiykarın hár túrli muzıka dóretpeleri ústinde islewden ibarat bolıp, olar áne sol processte hár túrli janrlar hám usıllar menen tanısadı, dóretpelerdiń muzikalıq tilin ózlestiredi, tekst ústinde sawatlı islew ilimiy tájiriyeberlerin iyeleydi, texnikalıq qıyınshılıqlardı jeńiw jolların úyrenedi hám taǵı basqa. Studentler ulıwma muzıqalıq kámal tabıw, pianinoshıǵa tán bilim, kónlikpe hám ilimiy tájiriye arttırıw menen birge uyań-áste teoriyalıq maǵlıwmatlarda toplaydı, muzıka dóretpelerin analiz etiwdi úyrenedi, ózleriniń ishki esitiwlerin, dıqqat hám baqlawdı, kóz aldın sawlelendiriw hám dóretiwshilik fantaziyların rawajlandıradı hám de ózlestiredi.

Oqıtıwshı fortepiano klasındaǵı jası hám xarakter qásiyetleri, muzikalıq qábileti, beyimleskenligi hám qızıǵıwshılıq dárejesi túrlishe bolǵan oqıwshılar menen shuǵıllanıwda kórkem pedagogikalıq tásir kórsetiwdiń júdá kóp usılları hámde qurallarınan paydalanıwı kerek. Usınıń menen birge, hár bir oqıwshı ushın ayırıqsha jumıs usılın, baylanıs hám qatnasıq jolın hám tábiyiy, muzıka repertuarın tabıw jáne bul repertuarıń maqseti oqıwshıǵa pianinoshı ushın zárúr sıpatlardı aktivlestiriwden hám jetilistiriwden ibarat bolıwı kerek [5:312].

Oqıtıwshınıń kásibi mudamı sabaqtı dóretiwshilik hám kórkem usılda ótiwi menen baylanıslı. SHınıǵıwlar sapalı hám nátiyjeli bolıwı ushın olar joba tiykarında izbe-iz alıp barılıwı, oqıtıwshı óz shákirtleriniń keleshektegi kámalın aldınan kóre alıwı, sonıń menen birge, olarǵa muzıka dóretpeleri ústinde islewdiń tiykarǵı kórkem stilistik principlerin úyretiwi kerek. Mine sol wazıypalardıń tiykarǵı maqseti-miynettiń kórkem ideyasın ańlap alıw, onıń mazmunı hám xarakterin tereń túsiniw, janr hám stilistik qásiyetlerin biliw zárurlıǵın uqtırıw bolıp tabıladı. Bul wazıypanı sheshiw ushın student miynettiń sezimi hám keypiyatı, mazmunı hám de mánisin shın júreken hám haqlı jarata alıwı kerek.

Kórkem obrazdı haqlı tásirli ańlatıw mudamı atqarıwshınıń qábiletine, yaǵnıy obrazǵa tereń kirip barıp, avtor bayan etken waqıyaların qatnasıwshısına aylanıwına baylanıslı. Mine sol sıpatlar studentte fortepiano shertiwdi úyretiwdiń dáslepki payıtlarınan baslap tárbiyalanıwı kerek. Oqıtıwshınıń birinshi wazıypası oqıwshınıń jaqsı sezimlerin "bánt" etip, ol jaǵdayda keypiyatı kúshli dóretiwshilik qábilette joqarı dárejede rawajlandırıw bolıp tabıladı. Áne usılarǵa kóre, oqıtıwshınıń ekinshi wazıypası oqıwshı insannıń dóretiwshilik sıpatların qalıplestiriw, onıń óz betinshe oylawın aktivlestiriwden ibarat bolıp tabıladı. Bunda bárinen burın saz-ásbapı menen atqarılatuǵın barlıq jumıslar studenttiń óz betinshe hám dóretiwshilik umtılwı tásirinde, sonıń menen birge, tınlap baqlaw arqalı, ilajı bolǵanınsha sanalı turde, tártipte ámelge asırılıwına itibar beriw kerek. Oqıtıwshınıń barlıq kórsetpeleri sózsiz atqarılatuǵın buyırıq retinde emes, bálkim studenttiń ózi óz betinshe halda, dóretiwshilik izertlew arqalı kelgen qarar retinde ańlatılıwı kerek [6:93].

Oqıtıwshınıń úshinshi tiykarǵı wazıypası studentte dóretiwshilik ideyanı jetiliskeń tártipte ámelge asırıw yamasa fortepiano shertiw texnikasını iyelewge járdem beretuǵın qural hám usıllar sistemasın qalıplestiriw bolıp tabıladı. Fortepiano shertiw texnikasınıń ózi emes, bálkim onıń atqarıwshıǵa kórkem maqsetti ámelge asırıwda,

miynettiń ideologiyalıq-emocional mazmunın tereñirek jaqtılandırıwda járdem beriw áhmiyetli bolıp tabıladı. Sol sebepli texnikalıq qıynshılıqlar ústinde islew kórkem obrazdı jaqtılandırıw hám atqarıwshılıq sheberligin ólestiriwdiń jolı bolıp esaplanadı. Muzıka pedagogikasında "texnika" túsiniǵı keń mánieste, yaǵnıy seslerdi sapalı sesler shıǵara alıw hám fortepiano shertiwdiń hár túrli usılların ólestiriwdi, pedaldan paydalanıw hám applikatura principlerin iyelewdi, aranjırovka, dinamikalıq qarama-qarsılıqlar, agogika hám álbette, texnikalıq qıynshılıqlardıń hár túrli formaların iyelewdi ańlatadı.

Muzıka dóretpeleri ústinde islewde joqarıdaǵı tiykarǵı wazıypalardı ámelge asırıw ushın arnawlı bir usıl hám qurallardı qollanıw zárúr. Usılardan biri - dóretpeler ústinde basqışpa-basqış islew bolıp tabıladı. Bul basqışlar shártli bolıp, ol hár bir atqarıwshıda hár qıylısha keshedi. Basqışpa-basqış islew studentlerge miynettiń muzikalıq tilin dıqqat penen hám az-azdan úyreniw, jumıstaǵı qıynshılıqlardı qunt penen jeńiw hám de kórkem analizdi jaratıw imkaniyatın beredi. Nota teksti menen dáslepki tanısıw onı oqılıwınan, túsiniw alıwdan hám dáslepki analiz etiwden ibarat boladı.

Bul jumı student pyesaniń xarakterin seziwi, tiykarǵı mazmunın ańlap alıwı, ol jaǵdayda ushırasatıǵın qıynshılıqlarǵa, ańlatpa, tásirliklik táreplerine itibar beriw ushın zárúr bolıp tabıladı. Fortepliano mektebiniń barlıq belgili wákılleri mine sol basqış muzıka shıǵarmasın tikkeley úyreniwden aldın ámelge asırılıwı kerek dep esaplaǵan hám nota teksti ústinde dáslepki islewde pikirlew-esitiw jumısları zárúr ekenligin uqtırǵan. Saz-áspabırsız islewdiń abzallıǵı minada, ol jaǵdayda oqıwshınıń dıqqatı texnikalıq qıynshılıqlarǵa bólinbeydi, usı waqıtta muzikantıń ishki esitiwi qábileti muzikalıq obrazlardı túsiniw jetiw, arnawlı bir emocional jaǵdaydı bastan keshiriw, shıǵarmadaǵı seslerdiń baylıǵın oylap kóriw imkaniyatın beredi. Biraq tekst ústinde alıp barılátıǵın mine sonday pikirlew, esitiw hár bir studentke da tuwrı kele bermeydi [7:142].

Ishki esitiw qábileti jetkilikli dárejede rawajlanbaǵan oqıwshılar menen shuǵıllanıwda dóretpeler ústinde islewdi saz áspabınan baslawǵa tuwrı keledi. Soǵan qaramay, oqıwshınıń ishki esitiwdi, oylawın aktivlestiretuǵın usıllarınan mudamı túrde paydalanıw, muzikalıq tiykarǵı esitiw ólestiriw arqalı ǵana miynettiń kórkem tilin túsiniw mümkinshiligin esten shıǵarmaw kerek. Pyesa ústinde islewde paydalanılátıǵın muzikalıq-teoriyalıq analizdiń bir qansha túrleri bar. Mısalı, pyesaniń usılı, janrı, muwapıqlıǵı hám sesler uyǵınlıǵı tárepińen analiz etiw mümkin. Ana-

lizdiń usı túrlerinde wazıypalar tómendegishe ámelge asırıladı:

- usı pyesani qaysı kompozitor jaratqan jáne onıń sol janrdaǵı basqa dóretpeler qatarında tutqan ornın ańıqlaw;
- pyesa bólimleriniń tiykarǵı dúzilisi, olardıń bir-birine muwapıqlılıǵı hám

- ulıwma hár bir bóliminiń atamasın biliw;

- miynettiń tema tárepten birligi, hár qıylı qarama-qarsılıq, aralıq hám járdemshi dúzilislerin ańıqlap alıw;

- dáslepki sesler uyǵınlıǵı hám uyqashılıq analizi ótkerilip, soǵan uqsas usılındaǵı dóretpelerge tán ayrıqshalıqlar belgilenedi, eń joqarı belgiler ańıqlanıp, modulyaciyalıq joba, sesler háreketiniń ózine tánligi hám taǵı basqalar ańıqlanadı. Bólimler boyınsha islew pyesani tolıq, pütün etip shertiwdi zinhar biykar etpeydi. Kerisinshe, miynettiń pütünligi haqqında kóz-qarasımızda sáwlelendiriwdi esten shıǵarmaw ushın pyesani basınan aqırına shekem tez-tez tákirarlap barıwımız zárúr. Biraq jumıstıń keyingi basqışlarında, barlıq detallar atqarılıp, quramalı bólimler bólek shertilgende, sestıń kerekli koloriti tabıladı. Áne solardıń barlıǵın ulıwma toqımaǵa biriktirip shertiwdi tákirarlaw kóbirek paydalı boladı.

Bólimler boyınsha islew basqışını aldın-ala pyesani bóleklerge, epizodlarǵa ajratıw menen baylanıslı. Bólekler dárejesi hár qaysı halda hár qıylısha bolıwı, mısalı, tez pát penen jazılǵan dóretpeler ushın uzınaraq (segiz taktlı, on altı taktlı) hám salmaqı tezligi menen jazılǵan dóretpeler ushın maydalaw dúzilisi bolıwı mümkin. Bunnan tisqari, studentke jumıstı quramalı esaplangan bólimlerden baslawdı da úyretiw kerek. Eń qıyın bólimlerdi arnawlı hám bólek úyreniw qaǵıydasına ámel etip, buǵan dóretpeler ústinde islewdiń aqırına shekem ámelde qollanıw kerek [8:91].

Bólimler boyınsha islewde ońlawlar menen shertiwdiń hár qıylı variantlarınan paydalanıw mümkin. Uǵımsız atqarıw etilgende qáte durıslanadı hám sol bólim qaytadan uyreniledi; eń qıyın hám qolaysız orınlarında toqtap yamasa ástelew ótedi hám taǵı basqa. Mine usılardı úyreniw kriteriyasına qarap, bóleklerdi áste-aqırın irilestiriwge ótıledi. Eń aldın jeńil bólekler irilestiriledi, keyin olarǵa jaqın quramalı epizodlar biriktiriledi.

Pikirlew jumısları mudamı tikkeley atqarıwshılıqtan aldın ámelge asırılıwı hám tek dáslepki analizden ibarat bolıp qalmaq, ol dawıs shıǵarıw usılları, barmaqlardı júrgiziw, dawıslar sesler uyǵınlıǵı, frazirovka hám taǵı basqalar haqqında oylap kóriwdi da óz ishine alıwı kerek [9:79]. Bunnan tisqari, ámeliyatda tastıyqlanganınday, miynettiń texnikalıq tárepten qıyın jerlerin aldın túsiniw alıw hám ishki esitiw menen "shertip kóriw" arqalı talay ańsat úyreniw mümkin.

Adebiyatlar

1. Azimov X. Fortepliano sabaqlıǵı. -T.: "Oqıtıwshı", 1997.
2. SHteynpress B., Yampolskiy I. "Enciklopedicheskiy muzikalniy slovar". -Moskva: 1959.
3. Xayitboeva D. Notanı qaǵazdan oqıw hám fortepliano ansambli. -T.: "Uzbekistan", 2010.
4. Tashpulatova D. Kárwán saraya nad etyudami G. Mushelya v fortepiannom klasse. -T.: «Uzbekistan». 2011.
5. Dúnya hám Uzbekistan kompozitorlarınıń dóretpeleri. Hár qıylı jıllar baspalrı.
6. Xayitboeva D. Proizvedeniya Gafura Kadirova v klasse obshego kursa fortepliano. -T.: «Uzbekistan», 2011.
7. Zakirova SH. Proizvedeniya kompozitorov Uzbekistana dlya fortepliano. -T.: «Uzbekiston», 2010.
8. Mushel G. 24 prelyudii i fugi. -M.: 1978..
9. Klementi M. Izbrannye proizvedeniya. -M.: MuzGiz. 1962.

РЕЗЮМЕ. Badiiy didni shakllantirishning maxsus tamoyillari uning o'ziga xos xususiyatlariga asoslanadi. Muallif quyidagilarni aniqlaydi: "ta'mning falsafiy-psixologik tuzilishiga tayanish", "ta'mning asosiy funksiyalarini hisobga olish" tamoyili; "ta'mning pedagogik funksiyasi" ga tayanish tamoyili.

РЕЗЮМЕ. Специальные принципы формирования художественного вкуса основываются на его специфических свойствах. Автор выделяет следующие: принцип «опоры на философскую и психологическую структуры вкуса», принцип «учёта основных функций вкуса»; принцип опоры на «педагогическую функцию вкуса».

SUMMARY. Special principles for the formation of artistic taste are based on its specific properties. The author identifies the following: the principle of "reliance on the philosophical and psychological structure of taste", the principle of "taking into account the basic functions of taste"; the principle of relying on the "pedagogical function of taste".

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR IJODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI

R.Xurramov – o'qituvchi

Termiz davlat universiteti

Tayanch so'zlar: ta'lim, kreativ, rivojlantirish, qobiliyat, produktiv, reproduktiv, topshiriq.

Ключевые слова: воспитательный, творческий, развитие, способность, продуктивный, репродуктивный, назначение.

Key words: education, creative, development, ability, productive, reproductive, assignment.

Kirish. Dunyoda boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy faoliyatini tashkil etish, kichik maktab yoshidan o'quvchilar shaxsini rivojlantirish, ularning qobiliyati, axloqiy va estetik hissiyotlarini tarbiyalash, o'qishga qiziqishi, xohish va istagini, o'zi va o'z atrofini o'rab olgan olamga hissiy munosabatni shakllantirishga qaratilgan o'quv tuzilmalarini ishlab chiqish, o'quvchining intellektual qobiliyatini ro'yobga chiqarishga ko'maklashuvchi pedagogik texnologiyalarga qaratilgan ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Hozirgi davr pedagogikasining ijodiy faoliyatga yo'naltirilgan konseptual ilmiy izlanishlar predmetini kichik maktab yoshidagi bolalarda ijodiylikning yorqinlashuvi, ixtirochilikka qiziqishi, ertak, hikoya, qo'shiq, musiqaning obrazli mazmunini tezda idrok etishi, ijodiy imkoniyatlarini nazarda tutib belgilanmoqda.

Mamlakatimizda ta'lim tizimini yangi sifat bosqichiga olib chiqishdagi islohotlar boshlang'ich ta'limdan boshlab o'quvchilarning fanlar asoslari bo'yicha bilim o'zlashtirishga ehtiyojini, asosiy milliy va umumbashariy qadriyatlarga asoslangan ma'naviy-axloqiy fazilatlarini, mehnat ko'nikmalarini, ijodiy fikrlash va atrof-muhitga ongli munosabatini shakllantirishga zarur shart-sharoitlarni yaratib, boshlang'ich sinf o'quvchilari ijodiy faoliyatini tashkil etishning pedagogik yondashuvlarini takomillashtirish zarurati yuzaga keltirmoqda. Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida «o'qitish usullarini takomillashtirish, ta'lim-tarbiya jarayoniga individuallashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish, kichik yoshdan o'quvchilarda o'qishga sog'lom, kuchli va ta'sirchan motivatsiyani shakllantirish [1]» kabi muhim vazifalar belgilangan.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'quvchilarni har tomonlama barkamol shaxs sifatida kamolga yetkazish uchun ularni boshlang'ich sinflardan o'qitish ijodiy faoliyatini kamol toptirish zarur. CHunki boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning didi, dunyoqarashi, salohiyati barcha psixik jarayonlar individual-psixologik xususiyatlari jadal shakllanadi.

Psixolog olimlar S.L.Rubinshteyn, B.G.Ananev [3] birinchilar qatorida umumiy, aqliy rivojlanish umumiy intellekt bilan bog'liq ekanligini ko'rsatib o'tdilar. Masalan, B.G.Ananev murakkab psixik xususiyatlarni tadqiq qilish bilan birga, o'qish va mehnatdagi muvaffaqiyat ana shu xususiyatga bog'liqdir [3, 248-b], -degan farazni ilgari suradi. Olim bu kategoriyalarni bilishga oid turli vazifalarning qo'yilishi va hal etilishi bilan bog'liq yo'llarini ko'rsatib beradi. Keyingi yillarda muammoni turli yo'nalishlarda intensiv tarzda tadqiq etishga qiziqish uyg'ondi. Bu tadqiqotlar borasida N.S.Leytesning [2], tadqiqotini qayd qilib o'tish muhim. N.S.Leytes avvalo aql sifatlarini o'z ichiga oluvchi umumiy aqliy qobiliyatlar (garchi ular jiddiy rivishda iroda va emotsional xususiyatlarga bog'liq bo'lsa ham) odamning nazariy bilish va amaliy faoliyat imkoniyatlarini xarakterlab beradi, deb ta'kidlagan. Odam intellekti uchun eng muhim narsa va hodisalar o'rtasidagi bog'lanish va munosabatlarni aks ettirish hamda shu bilan voqelikni ijodiy ravishda qayta o'zgartirish imkoniyatini beradi. N.S.Leytesning [2], ko'rsatishicha, oliy nerv faoliyati xususiyatlarida faollik va o'z-o'zini tartibga solishning ayrim shart-sharoitlari yashiringan bo'lib, bular umumiy aqliy qobiliyatlari tarkib topishining muhim ichki shartlaridan biridir.

Tadqiqot metodologiyasi.

Pedagogik o'yinlar ayniqsa, o'quvchilar ijodiy faoliyatini rivojlantirishda muhim o'rin tutadi. Aynan shunday o'yinlar vositasida kattalar va kichiklar o'rtasida muloqot

o'rnatiladi. Bu muloqotlar shaxsiy yondashuv asosida qurilishi kerak. O'qituvchi bolani faqat o'quvchi deb emas, balki bir butun shaxs, o'ziga xos inson deb yondashuvi lozim. O'yinlarda bolaning shaxsiy sifatleri boyib, o'quvchilar ijodiy faoliyatlarini tashkil etishda muhim o'rin tutadi hamda o'quvchilarning hulqidagi ijobiy qirralar rivojlanadi, ijobiy tasavvur mashqlari vositasida kuzatuvchanlik, xotira, diqqatni kuchaytirish imkoni tug'iladi, psixologik to'siqlar bartaraf etiladi [2].

Bugungi kunda pedagog olimlar L.S.Vigotskiy tomonidan ilgari surilgan g'oya, ya'ni "ta'lim berish o'quvchi qo'lga kiritib bo'lgan rivojlanish darajasini qo'llamasdan, o'quvchining tafakkuriga uning imkoniyatlarini birmuncha oshiradigan talablar qo'yilishi, u erishgan va yaxshi o'zlashtirib olgan analitik-sintetik faoliyat darajasini talab qilishi kerak", degan qoidaga asoslanadilar. L.S.Vigotskiy ta'limning aqliy rivojlanishidagi kechagi kunga emas, balki ertangi kunga tayanmog'i lozim-deb hisoblagan edi [5, 321]. Ta'lim rivojlanishning faqat tugallangan darajasi asosida qurilmasdan, avvalo unchalik tarkib topmagan va shunday ta'lim ta'siri asosida taraqqiy etgan narsalarga tayanmog'i lozim. L.S.Vigotskiy boladagi aqliy rivojlanishning ikki darajasi haqidagi g'oyani ilgari suradi. Birinchi daraja, ya'ni L.S. Vigotskiy aytganidek, dolzarbl rivojlanish darajasi o'quvchi tayyorgarligining mavjud darajasi bo'lib, u o'qituvchining topshiriqlarni to'la mustaqil bajara olishi bilan xarakterlanadi [4]. Ancha yuqori bo'lgan ikkinchi daraja (Vigotskiy uni eng yaqin rivojlanish zonasi deb atagan) bolaning nimani mustaqil bajara olmasligini, lekin ozroq yordam bilan (yo'l yo'riq beruvchi savollar, aytib berishlar, ishora qilishlar) umumiy ko'rsatmalar ta'lim jarayonida aktual rivojlanish darajasiga o'tadi-deb ta'kidlagan edi.

Tahlil va natijalar. Boshlang'ich sinflarda mavzuga integratsiyali yondashuvni bir dars emas, balki mazmuni, metodik va tashkiliy tomondan o'quv fanining ma'lum bo'limi olinsa, maqsadga muvofiq bo'ladi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda ijodiy faoliyatni shakllantirishda o'quvchilarda aqliy qobiliyatning rivojlanganligi muhim ahamiyatga ega.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning va shaxslik xislatlari va qobiliyatlari rivojlantirish ularning turli o'quv-biluv, amaliy, ijtimoiy faoliyatlarini tajribasiga tayaniladi. Shuning uchun ham ta'lim standartlarida ta'limning faol, amaliyotdagi mazmuni, faoliyatning aniq vositalariga real hayotiy vaziyatlarda qo'llaniladigan bilim, malaka va ko'nikmalarga alohida e'tibor berilgan.


Ijodiy faoliyat–bu subyekst faoliyatining o'z mehnatiga (ishdan qoniqish, uni bajarish jarayonida yangilikka intilish, muammo echimini topishda ijodiy motivatsiya) munosabati va masalani ijodiy hal etish (avval o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni hamda faoliyat usullarini yangi holatga mustaqil ko'chirish, muammoli, ma'lum obyektning yangi funksiyasini ko'ra bilish) jarayonidir.

Ijodiy faoliyat o'zida quyidagi muhim jihatlarni aks ettiradi: bir fan va fanlar doirasida egallangan bilim va ko'nikmalarni yangi faoliyat tajribasiga mustaqil tatbiq etish; kutilmagan vaziyatdagi yangi muammoni ko'ra bilish; obyekt tuzilishini ko'ra bilish; muammoni hal etishda muqobilikni hisobga olish; yangi muammolarning yechimini izlab topishni ijodiy faoliyatning avvaldan ma'lum bo'lgan usullari bilan uyg'unlashtirish; muammolarni hal yetishda butunlay yangicha yondashuvni qaror toptirish [6].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining ijodiy bilish faolligi o'zida yangi bilimlarni o'zlashtirishga barqaror motivlar va bilish jarayoniga ijobiy emotsional yo'nalganlikning qaror

topganligi, o'quv vazifalarini hal etishda odatiy o'quv harakati usullarini bartaraf etishga intilish, muammo echimini topishning nostandart metod va usullarini izlash, o'quv-bilish faoliyatidagi qat'iylik, ijodiy bilish faoliyatining natijaviyligi bilan tavsiflanuvchi shaxs xususiyatini o'zida aks ettiradi.

Ijodiy faoliyat mazmuni motivatsion-emotsional, kognitiv, irodaviy va faoliyatli-ijodiy komponentlarni o'zida aks ettiradi (1-rasm).



1-rasm. Boshlang'ich ta'limda ijodiy faoliyatni tashkil etish tuzilmasi.

Ta'lim jarayoni o'quvchilar faoliyatini tizimli tashkil etishni taqozo etadi. Ta'limning barcha tarkibiy qismlari uning o'quvchi faoliyatini tizimli tashkil etish- bu ta'lim maqsadi, mazmuni, shakllari, metodlari, vositalari, ta'lim mahsuli, bilim, ko'nikma va malakalarning o'zaro aloqasida amalga oshadi.

Faoliyatning rivojlanishi ta'limda ma'lum didaktik prinsiplar asosida yuzaga keladi. Bular ilmiylik, uzviylik, tizimlilik, qulaylik, ta'limda faollik, onglik kabilardan iborat bo'lib, ta'lim tizimidagi nuqsonlarni bartaraf etib, unda o'zgarishlar qilishni toqozo etadi.

Ta'lim mazmuniga, bilimni egallashga qiziqish o'quvchining o'z aqliy mehnati natijasidan qanoatlanish hissi bilan uzviy bog'liqdir. Bu his o'qituvchining Rag'batlantirishi bilan namoyon bo'ladi va o'quvchida samaraliroq ishlash mayli, istagi, ehtiyojini shakllantiradi. Bolada paydo bo'lgan faxrlanish, o'z kuchiga ishonish hislari bilimlarni o'zlashtirish va malakalarni mustahkamlash uchun xizmat qiladi, rag'batlantirish va jazolash me'yorida bo'lsagina, ularning tarbiyaviy ta'siri ortadi.

Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning muhim xususiyatlaridan biri ulardagi o'qituvchi shaxsiga ishonch hissi va yuksak ehtiromdir. SHuning uchun ham o'quvchining bolaga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish imkoniyati juda kattadir. Bola o'qituvchini aql-idrok sohibi, ziyrak,

sezgir, mehribon, hatto donishmand inson deb biladi. O'qituvchi siymosida o'zining ezu niyati, orzu istagi, ajoyib his-tuyg'ularini ruyobga chiqaruvchi mu'tabar shaxsni ko'radi. O'qituvchining obrusi oldida ota-onalar, oilaning boshqa a'zolari, qarindosh-urug'lar, tanish-bilishlarning nufuzi keskin pasayadi. SHu sababli bolalar o'qituvchisining har bir so'zini qonun sifatida qabul qiladilar[2].

Ta'lim jarayonida o'qituvchi o'zining obro'sidan oqilona va omilkorlik bilan foydalanib, o'quvchilarda uyushqoqlik, mehnatsevarlik, o'qishga ijobiy munosabat, o'z diqqatini boshqarish, xulqini idora etish, o'zini tuta bilish, qiyinchiliklarni engish kabi fazilatlarini shakllantirishi lozim. Buning uchun har tomonlama ta'sir ko'rsatish usulini qo'llash kerak.

Maqsadga muvofiq o'qish faoliyati kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning aql-idrogi, sezgirligi, kuzatuvchanligi, uquvilligi, esda saqlab qolish, esga tushurish imkoniyatlarini rivojlantirishi uchun muhim shart-sharoitlar yaratadi; bolalarda o'qish, yozish, hisoblash malakalarini shakllantiradi [7]. Bundan tashqari mazkur ta'lim jarayonida ularning bilimlar ko'lamiga kengayadi, bilishga qiziqishlari ortadi, aqliy imkoniyatini ishga solish vujudga keladi. O'quv fanlariga ijobiy munosabat, qat'iy shug'ullanish niyati, jamoatchilik oldidagi mas'uliyatni his qilish, bilim olishning ijtimoiy, ahamiyatini anglash tuyg'ulari tarkib topadi.

O'qituvchilarning muhim vazifalaridan biri o'quvchilarda materiallarni eslab qolishi uchun muayyan intilishni tarkib topishi, ularga eslab qolishning fikr yuritish yo'llarini (taqqoslash, tahlil qilishni) o'rganishdan iboratdir.

Bu vazifani eng avvalo, maktab psixologlari qatorida boshlang'ich sinf o'qituvchilari amalga oshirishlari shart. Tafakkur atrof-muhitdagi voqelikni nutq yordami bilan bevosita umumlashgan holda aks ettiruvchi jarayon [8].

Xulosa. Izlanishli-evristik darajada bilishga qiziqish o'quv motivatsiyasi tuzilmasida o'rtacha o'rinni egallaydi. Barqaror bilishga qiziqish, savollar tuza olish, o'qituvchiga fikr-mulohaza bilan murojaat qilish ko'nikmalariga egalikni o'zida aks ettiradi. Ijodiy-tashabbuskor darajada bilishga qiziqish, o'quv-bilish topshiriqlarini hal etish istagi yuqori tarzda namoyon bo'ladi. O'z-o'zidan qoniqish va quvonch hissini uyg'otuvchi natijalarga erishishda qat'iylik va jur'atlilik bilan ajralib turadi. Faollik, tashabbuskorlik va mustaqillik muntazam namoyon bo'ladi. Bilimlarni o'zlashtirish ijodiy tavsifga ega.

Xulosa qilib aytganda, ta'limda birlamchi vazifa keyingi ta'lim jarayonida muhim ahamiyatga ega bo'lgan boshlang'ich umumiy ta'lim malaka va ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019.

2. Болтаева Ш.Т. Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш. Монография. –Т.: 2013, 28, 34-6.

3. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. –М.: 1969. –С. 248.

4. Лейтес Н.С. Склонности одаренность в детские годы. //Знание, 1984, №4.

5. Выготский Л.С. Педагогическая психология. под ред. В.В.Давыдов. –М.: «Педагогика», 1999. –С. 321.

6. Левитов Н.Д. Субъект. Познание. –М.: «Знание», 1999. –С. 47.

7. Нишаналиев У. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. –Т.: «Фан», 1990. –С. 85.

8. Хасанбоева О., Хасанбоев Ж. ва б.к. Педагогика –Т.: «Фан», 2006, 282-б.

РЕЗЮМЕ. Barchamizga ma'lumki, boshlang'ich sinf o'quvchilarning ijodiy bilish faolligi o'zida yangi bilimlarni o'zlashtirishga barqaror motivlar va bilish jarayoniga ijobiy emotsional yo'nalganlikning qaror topganligi, o'quv vazifalarini hal etishda odatiy o'quv harakati usullarini bartaraf etishga intilish, muammo yechimini topishning nostandart metod va usullarini izlash, o'quv-bilish faoliyatidagi qat'iylik, ijodiy bilish faoliyatining natijaviyligi bilan tavsiflanuvchi shaxs xususiyatini o'zida aks ettiradi. Mazkur maqola oliy o'quv yurti talabalari, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar hamda keng auditoriyaga mo'ljallangan.

РЕЗЮМЕ. Все мы знаем, что творческая познавательная деятельность младших школьников включает в себя устойчивые мотивации к получению новых знаний и положительную эмоциональную направленность на познавательный процесс, что способствует устранению привычных приемов учебного поведения при решении учебных задач, отражает характер человека. характеризуется стремлением, поиском нестандартных способов и способов поиска решения проблемы, настойчивостью в обучении и учебной деятельности, результативностью творческой познавательной деятельности. Статья предназначена для студентов вузов, докторантов, независимых исследователей и широкой аудитории.

SUMMARY. We all know that the creative cognitive activity of elementary school students includes stable motivations for acquiring new knowledge and a positive emotional orientation to the cognitive process, which helps to eliminate the usual methods of educational behavior in solving educational tasks. reflects the character of a person characterized by aspiration, search for non-standard methods and methods of finding a solution to a problem, persistence in learning and learning activities, effectiveness of creative cognitive activities. This article is intended for university students, doctoral students, independent researchers and a wide audience.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАҚИҚИЙ ВА ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН СИФАТ МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИ

А.А.Хўжаев – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бош мутахассиси

Таянч сўзлар: олий таълим тизими, таълим сифати, ўқув режа ва дастурлар, муаммолар, ички мониторинг, самарадорлик, кўрсаткич, механизм, баҳолаш.

Ключевые слова: система высшего образования, качество образования, учебные планы и программы, проблемы, внутренний мониторинг, эффективность, индикатор, механизм, оценка.

Key words: higher education system, quality of education, curriculum and programs, problems, internal monitoring, efficiency, indicator, mechanism, evaluation.

Таълим муассасаси даражасида бошқариш самарадорлигини ўрганиш таълим муассасаси фаолиятининг умумий натижалари бўйича ҳам, таълим жараёнини методик таъминлаш, педагогик вазифаларни ҳал этиш бўйича жамоаларнинг тайёргарлиги ва илмий ва педагогик ходимларнинг кадрлар билан таъминланиши каби бевосита маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши мумкин [1]. Таълим муассасаларининг истикболли режаларини белгилашда асосан иқтисодий, педагогик, ижтимоий ва бошқарув йўналишларида мониторинг олиб борилади. Жумладан,

- иқтисодий мониторингида индикаторлар сифатида бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар билан бирга қутилаётган (ёки қутилмаган) харажатлар прогнози;
- педагогик мониторингида касбий етуқлик, шахсий фазилатлар, ахборот, алоқа ва ижтимоий қобилият индикаторлари белгилаб олинади;
Якка машғулот ўқув режада коррекцион фанлар компоненти соатлари таркибида акс этади. Ушбу машғулотлар ўқувчиларнинг нутқий ва ўзига хос психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Имконияти чекланган болалар таълими жараёнида дифференциал (табакаланган) ва индивидуал (якка) ёндашувлардан фойдаланишсиз бир кадам олдинга юришнинг иложи йўқлиги илмий тадқиқотлар билан асослаб берилган (В.А.Дьячков (1960), Д.А.Дульнев (1970), Л.Мўминова (1980), Р.Шомахмудова (1984), М.Аюпова (1995), Н.Рахмонкулова (1998), Н.Бекмуродов (1988), У.Файзиева (1994), Н.Дадахўжаева (1997), Ф.Қодинова (2006), Р.Рустамова (2008), Д.Назарова (2009)).

Махсус мактаб, мактаб-интернатларида ўқув-тарбия ишларининг самарадорлиги ҳар бир ўқувчининг ўзигагина хос бўлган (индивидуал) хусусиятларнинг ҳисобга олинишига бевосита боғлиқдир. Якка (индивидуал) ёндашувдан фойдаланиш ўқитувчи ва тарбиячининг дарс, машғулотларга ҳозирлик кўришлари жараёнидаёқ бошланади. Коррекция – компенсатор ҳамда ривожлантирувчи тавсифга эга бўлган махсус таълим тизимида дифференциал (табақалаштирилган) ҳамда якка (индивидуал) тартибдаги ёндашув болаларда мавжуд муаммоларни тузатиш, юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилади. Бундан ташқари коррекцион машғулотларнинг муҳим хусусияти ўқувчиларга ўз-ўзини номоён қилиш, ўзини-ўзи баҳолашга ундаган ҳолда айрим сифатларини ислох қилиш йўллари ўргатади, соғлом инсонлар орасида нафақат яшаб қолиш, балки турли муносабатларда фаол ҳамда самарали иштирок этиш учун зарур кўникма ва малакалар билан қуроллантиради.

Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларида ўқувчиларнинг нутқий имкониятларини ривожлантиришга мўлжалланган якка машғулотлар педагогик жараённинг асосий шакли ҳисобланади.

Афсуски аксарият муассасаларда ушбу машғулотларга 2-даражали машғулот сифатида қаралганлиги сабабли, ҳар доим ҳам машғулот қутилган натижаларни бермапти. Яъни кар ва заиф эшитувчи болалар фанларни ўзлаштириш ва атрофдагилар билан мулоқотга киришиш учун етарли кўникма, малакаларга эга бўлмаптилар. Шунинг учун куйида якка машғулотларни самарали ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш юзасидан маълумотлар келтирилади.

Якка машғулотлар ўқувчиларда эгаллаётган тил таркибида мавжуд товушларни овоз кучайтирувчи аппаратлар ёрдамида ёки уларсиз эшитиш, кўриш, тери-туюш сезгилари орқали сездирган ҳолда талаффуз кўникмаларини шакллантиришга ҳамда қолдиқ эшитиш идрокини ривожлантиришга хизмат қилади.

Якка машғулотларнинг вазифалари:

➤ Ўқувчиларнинг товушли ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш.

➤ Эшитув сезгисини ўқитиш жараёнига ва атрофдагилар билан мулоқотга йўналтириш.

➤ Ўқувчилар сўзлашув нутқини ривожлантириш, талаффузини шакллантириш бўйича педагогик жараёнга ҳамкорлик қилиш.

Кар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатларида якка машғулотлар 2 та қисмга бўлиниб ташкил этилади.

1-қисмда ўқувчиларнинг талаффузи устида 10 дақиқа

2-қисмда ўқувчиларнинг қолдиқ эшитиши устида 10 дақиқа иш олиб борилади.

Ўқувчиларнинг нутқий кўникма ва малакаларини ривожлантиришда машғулотлар якка ва фронтал тарзда ташкил этилади.

Эшитишни ривожлантириш бўйича фронтал машғулот турлари:

1. Ўқувчиларда эшитиш қолидигидан максимал фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича машғулотлар. Ушбу машғулотларда ўқувчилар товушларнинг манбаини фарқлашга, нутқий материал характери (ўғил бола товуши, қиз бола товуши, чакириқли нутқ, маслаҳат шаклидаги секин оҳангли нутқ, оталар нутқи, оналар нутқи, ёрдамга чакириш мазмунидаги нутқ...)ни аниқлашга ўргатилади. Машғулот учун ўқув

материаллари кундалик ҳаётда кўп учрайдиган нонуткий воситалар (соат, телефон, ошхона жиҳозлари, машина сигнали ва унга хос бошқа овозлар, қурилиш ишлари овозлари, мусиқа воситалари ва б.)ни эшиттириб фарқлаштишга мўлжалланган мавзулардан ташкил топади.

2. Эшитиш ва эшитиб фарқлашга ўргатувчи аралаш машғулотлар. Ушбу машғулотнинг аралаш деб номланишига сабаб, унинг мазмунини нонуткий товушларни фарқлаштишга ундовчи топшириқлардан ташқари ўқув фанларига оид сўзлардан ташкил топган нуткий материал ҳам ташкил этади.

3. Ўқувчиларнинг эшитиш гидроки устида олиб борилган коррекцион жараёни мониторинг қилиш, уларнинг эшитиб-фарқлаш бўйича имкониятларини таҳлил қилиш, эшитиш динамикасини таққослашга мўлжалланган назорат машғулоти. Мазкур машғулоти одатда ўқув йилининг боши ва охири ҳамда ҳар бир катта бўлимдан сўнг ўтказилади.

Машғулотларда кенг қўлланиладиган иш турлари қуйидагилар:

- товуш манбаини аниқлаш;
- товуш йўналишини аниқлаш;
- сўзнинг товуш-бўғин ва ритмик таркибини

факрлаш.

Якка машғулоти ўзининг номи билан боғлиқ равишда ҳар бир бола учун алоҳида тузилган режа асосида ташкил этилади. Бу машғулоти учун тузилган дастур умумий мазмунда бўлиб, унда болаларнинг эшитиш масофаси, қанча сўздан ташкил топган жумлаларни фарқлаши, товушларнинг кетма-кет қўйилиши бўйича талаблар келтирилади. Ўқитувчилар бу дастурга таянган ҳолда ўқувчиларнинг эшитиш ва нуткий имкониятларидан келиб чиқиб, алоҳида режа тузадилар.

Эшитиш бўйича якка машғулотида ўқув фанлари мазмунидан ҳам нуткий материаллар олинади. Шу жиҳатдан олганда эшитиш машғулотида режалаштирилиши синф ўқувчилари учун бир хилликка эга бўлади. Бироқ ҳар бир ўқувчининг эшитиш имконияти ва нутқни қабул қилишининг ўзига хослигига қараб, машғулоти олиб борилади.

Биринчи усулда нуткий материаллар **факат**

Адабиётлар

1. Ричедская Э.Г., Пархалина Э.В. Готовность слабослышащих детей дошкольного возраста к обучению в школе. –М.: «Владос», 2003.
2. Ричедская Э.Г. Развитие глухих школьников процессе не классная работе. –М.: «Просвещение», 1990.
3. Юсупова П. Мактабга тарбия педагогикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
4. Аюрова М., Хамидова М., Maktabgacha tarbiya maxsus metodikasi. –Т.: O‘zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2009.
5. Загорянская М.Е., Румянцева М.Г., Дайняк Л.Б. Нарушение слуха у детей: эпидемиологическое исследование. // Вестник оториноларингологии, 2003.
6. Зикеев А.Г. Развитие речи учащихся специальных (коррекционных) образовательных учреждений. М.: Просвещение, 2000.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада қар ва заиф эшитувчи болалар мактаб интернатларда, ўқувчиларнинг талаффузини шакллантириш, эшитиш гидрокини ривожлантириш, коррекцион машғулотида мазмуни ва уларнинг ташкил этилиши ҳақида таъкидлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье освещается содержание коррекционных занятий и их организация в школах-интернатах для глухих и слабослышащих детей, формирование произношения учащихся, развитие слухового восприятия.

SUMMARY. This article highlights the content of remedial classes and their organization in boarding schools for deaf and hard of hearing children, the formation of pronunciation of students, the development of auditory perception.

UMUMTA'LIM MAKTABLARI IJTIMOY-PEDAGOGIK TIZIM SIFATIDA: IJTIMOY FUNKSIYALARI VA DOLZARB VAZIFALARI (Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida)

M.E.Tolegenov – tayanch doktorant

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: ta'lim, umumta'lim maktablari, Qoraqalpog'iston Respublikasi, ta'lim haqidagi Qonun, dunyoqarash, shaxs, ijtimoiylashuv, ijtimoiy funktsiya, shakllanish, vazifa.

Ключевые слова: образование, общеобразовательные школы, Республика Каракалпакстан, Закон об образовании, мировоззрение, личность, социализация, социальная функция, формирование, задача.

Key words: education, schools, Republic of Karakalpakstan, Law on Education, outlook, personality, socialization, social function, formation, task.

Ta'lim insoniyat jamiyati rivojlanishining dastlabki paytlaridayoq katta rol o'ynagan. Maktabning tarixan taraqqiy etish davrida ta'limni tashkil qilish shakllari

қулоққа (режалаштирилган масофаларда, бу масофалар яқиндан узокқа қараб ўзгариши лозим) берилади. Бу иш усули “**Экрандан**” деб номланади ва натижаларни акс эттиришда ҳам “**Э**” ёки –экран- деб ёзиб борилади.

Иккинчи усул нуткий материал **эшитиб-қўришга** берилади. Ушбу усул натижасида олинган натижалар “**ЭК**” деб акс эттирилади.

Учинчи усул **қўришга**, яъни сўзнинг карточкада ёзилган шакли ёки расми намойиш этилади. Бу усул қар ва заиф эшитувчи болаларда чуқур муаммолар бўлганда ёки боланинг нутқи жуда камбағаллигида фойдаланилади. Ушбу усул аксарият ҳолларда ўқувчи учун маъноси тушунарли бўлмаган сўзларни эшиттиришда ҳам қўлланилади.

Амалиётда якка машғулоти ташкил этишда жуда кўп мунозарали вазиятлар учрайди. Масалан, якка машғулоти жараёнида ўқувчиларга таниш сўзлар эшитишга берилади-ми ёки янги сўзлар ҳам бериладими? – деган саволлар ўқитувчиларни қизиқтиради. Бу савол жуда ўринли бўлиб, у эшитиш машғулоти иш режасига тааллуқлидир. Эшитиш учун танланган сўзлар албатта, маъноси ўқувчиларга таниш бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Чунки ўқувчилар сўзларни бир неча бор турли контекстларда қўриб, мазмуни билан танишгандагина шу сўзни эшитиб фарқлаш ёки ҳеч бўлмаганда лабдан ўкиб фарқлашга эришади.

Машғулоти учун мақсад ҳар бир машғулоти мавзуси ва ушбу мавзуга ажратилган соатга қўра белгиланади.

Амалиётда ўқитувчилар ўртасида умумтаълим фанларидан ўтказиладиган дарсларга қўйиладиган мақсадлар каби мақсад шакллантириш тажрибаси кўп кузатилмоқда. Ушбу ёндашув машғулоти моҳиятига мос келмайди. Чунки бу машғулоти коррекцион мақсад ва вазифани қўзлаши лозим. Яъни машғулоти мазмуни ва олиб борилиши ўқувчиларда мавжуд муаммоларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этишга йўналтирилади. Ушбу машғулотида ўқувчиларга янги маълумотларнинг берилишига ургу берилмайди. Шу сабабли машғулотида коррекцион мақсад қўйилади. Ушбу мақсад асосида вазифалар белгиланади. Белгиланган вазифалар машғулотида қўлланиладиган иш турлари ва усулларида келиб чиқиб белгиланади.

turlicha bo'lgan. Hozirgi davrda ham insoniyat uchun eng muhim vazifalardan biri ta'lim hisoblanadi. Ayniqsa umumiy o'rta ta'limni tashkil etish masalasi dunyodagi

ko'pgina davlatlarda dolzarbligicha qolmoqda. Bugungi kunda zamonaviy maktab nafaqat ta'lim va tarbiyaviy vazifani, balki yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va insonparvarlik asoslarini tarbiyalash vazifasini ham yuklaydi. Mamlakatimizda ham umumiy o'rta ta'limni isloh qilish borasida bir nechta qonun va hujjatlar qabul qilinib, ularning ijrosini ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. O'zbekiston Respublikasi O'RQ-637-son "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni 2020-yil 23-sentabr kuni Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan imzolandi. Qonun 11 bob 75 moddadan iborat. Mazkur Qonunning 1-bob 4-moddasida ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari belgilanib, ular quyidagilardan iborat:

- ta'lim ustuvorligining tan olinishi;
 - ta'lim olish shaklini tanlash erkinligi;
 - ta'lim sohasidagi kamsitishlarga yo'l qo'yilmasligi;
 - ta'lim olishga doir teng imkoniyatlarning ta'minlanishi;
 - ta'lim va tarbiyada milliy hamda umuminsoniy qadriyatlarining singdirilganligi;
 - ta'lim va tarbiyaning insonparvarlik, demokratik xususiyati;
 - ta'limning uzliksizligi va izchilligi;
 - o'n bir yillik ta'limning hamda olti yoshdan yetti yoshgacha bo'lgan bolalarni bir yil davomida umumiy o'rta ta'limga tayyorlashning majburiyligi;
 - davlat ta'lim standartlari va davlat ta'lim talablari doirasida ta'lim olishning hamma uchun ochiqqligi;
 - o'quv dasturlarini tanlashga doir yondashuvning yagonaligi
- va tabaqalashtirilganligi;
- insonning butun hayoti davomida ta'lim olishi;
 - jamiyatda pedagoglarni ijtimoiy himoya qilishning kafolatlanganligi;
 - ta'lim tizimining dunyoviy xususiyatga egaligi;
 - bilimlilik, qobiliyatlilik va iste'dodning rag'batlantirilishi;
 - ta'lim tizimida davlat va jamoat boshqaruvining uyg'unligi;
 - ta'lim faoliyati sohasidagi ochiqlik va shaffoflik.

Qonunning 2-bob 7-moddasida esa O'zbekiston Respublikasida amal qiluvchi ta'lim turlari keltirilgan bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

- maktabgacha ta'lim va tarbiya;
- umumiy o'rta va o'rta maxsus ta'lim;
- professional ta'lim;
- oliy ta'lim;
- oliy ta'limdan keyingi ta'lim;
- kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish;
- maktabdan tashqari ta'lim[1].

Sh.M.Mirziyoyevning "Yangi O'zbekiston strategiyasi" nomli kitobida ta'lim-tarbiyaga alohida urg'u berilgan. "Rivojlangan mamlakatlarda ta'limning to'liq sikliga investitsiya kiritishga, ya'ni bola 3 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan davrida uning tarbiyasiga sarmoya sarflashga katta e'tibor beriladi. Chunki ana shu sarmoya jamiyatga 15-17 barobar miqdorda foyda keltiradi. Bizda esa bu ko'rsatkich atigi 4 barobarni tashkil etadi. Binobarin, inson kapitaliga e'tiborni kuchaytirishimiz, buning uchun barcha imkoniyatlarni safarbar etishimiz shart[2].

Hozirgi vaqtda mamlakatimiz va hukumatimiz tomonidan Qoraqalpog'istonda umumiy o'rta ta'lim tizimini isloh qilish va rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 11-noyabr kungi PQ-4889-sonli 2020-2023-yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasini kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida qarorida Qoraqalpog'iston Respublikasida umumiy o'rta ta'lim tizimini isloh qilish, maktablarning moddiy-texnik ta'minotini yaxshilash, o'quvchilarga zamonaviy ta'lim standartlari asosida shart-

sharoitlar yaratish, pedagoglarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash bo'yicha amalga oshirilishi lozim bo'lgan chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirib kelinmoqda.

2022-yil 28-yanvar kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev raisligida maktab ta'limini rivojlantirish masalalari bo'yicha o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida umumiy o'rta ta'lim tizimidagi muammolar haqida taniqli fikrlar hamda amalga oshirish lozim bo'lgan vazifalar belgilanib olingan edi. Mazkur yig'ilishda boshqa hududlar singari Qoraqalpog'iston Respublikasidagi umumiy o'rta ta'lim maktablari haqida ham ta'kidlab o'tilgan edi.

Bugungi kunda Qoraqalpog'iston Respublikasida umumiy o'rta ta'lim maktablari tahsil olayotgan o'quvchilarning har tomonlama yetuk shaxs bo'lib shakllanishida ularga yaratib berilayotgan sharoitlar hamda ularga berilayotgan ta'limning sifatiga bevosita bog'liq. Ta'kidlash joizki, maktab shaxsning shakllanishi va axloqiy kamolotida muhim o'rin tutadi, demak u kelajak avlod oldiga qanday maqsad va yo'nalishlar belgilanishiga ham ko'p jihatdan ta'sir qiladi. Maktabga qabul qilish bilan bola fuqarolik hayoti haqidagi ilk g'oyalarni oladi, intizom va tartibning rasmiy talablariga rioya qilishni o'rganadi, tengdoshlari, maqomi yuqori bo'lgan o'qituvchilar bilan muloqot qilishni o'rganadi. Zamonaviy dunyoda maktab bolaning ijtimoiylashuv jarayoniga o'zining katta ta'siri bilan ajralib turadigan institut hisoblanadi. Maktabda bola dunyoqarashini kengaytiradi, hayotiy tajriba orttiradi hamda dunyoga nisbatan ongli munosabatda bo'lishni o'rganadi. Agar oilada bolaga asosan nimani qilish lozimligi, o'zini qanday tutish kerakligi haqidagi oddiy qoidalari haqida tushuntirilsa, maktabda u nisbatan murakkab ijtimoiy munosabatlar tizimining ishtirokchisiga aylanadi.

Maktab jamoasida bola ham ajralib turishi, ham tashqariga chiqishi mumkin. O'qituvchilarning hamda maktabdagi psixologlarning tajribasiga tayangan holda olib boriladigan sa'y-harakatlari, har kungi kuzatishlari orqali o'quvchilar bilan mustahkam aloqa o'rnatiladi. Maktabda bola shaxsining shakllanishida maktab jamoasidagilardan asosan o'qituvchi va psixologlarga ko'proq javobgarlik hissi yuklatilgan bo'ladi. Bundan tashqari bolalarning xulq-atvori har xil bo'lib shakllanishi: kimdir avvaldan yetakchi bo'lishga talpina, yana kimdir o'zini yetakchi deb hisoblashi mumkin. Bolalar o'zaro raqobatga tushishi mumkin, lekin o'qituvchi o'zining sa'y-harakatlari bilan mazkur raqobatlashishni o'zaro do'stona ruhdagi munosabatlar, tajriba va bilim almashish asosiga yo'naltirishi lozim.

Maktab bolalarning muloqot qilishlari uchun ijtimoiy maydon bo'lib, u o'zaro ta'sir, munosabatlarni amalga oshirish va faollashtirish qisman hayotning boshqa sohalari uchun ham imkoniyatlar yaratadi. Bu imkoniyatlarni ro'yobga chiqarish o'lchovi ko'p jihatdan o'quvchining qanchalik intensiv va kim bilan o'zaro munosabatda bo'lishiga bog'liq. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarning ma'lum bir qismi maktabda guruhdagi kabi o'zaro munosabatlarga intilmaydi, boshqalari esa turli sabablarga ko'ra undan qoniqishmaydi. Ba'zilar, aksincha, muloqotga intilishadi, garchi hamma narsa darhol amalga oshmasa ham har xil sinf va maktab ishlarida o'zlarini ko'rsatishga harakat qilishadi.

Maktab bola uchun ijtimoiy dunyoning birinchi va asosiy modelidir. Maktab tajribasi bolalarga insonlar rioya qilib yashayotgan asosiy qonunlarni o'zlashtirishga yordam berishi kerak.

Mashhur olim Viktor Hyugoning: «Maktab ochgan odam bamisoli qamoqxonani yopgandek gap», degan hikmatli iborasi maktabning ijtimoiy-pedagogik ahamiyatini yana bir marotaba ifodalab turibdi. Maktab, ta'lim, tarbiya bor joyda bolalar yomon yo'lga kirmaydi, jinoyat sodir etmaydi. Demak, qamoqxonalarga zaruriyat

qolmaydi. Bilimsiz kishilarning ko'ngli xurofotga moyil bo'lishi ham hayotda ko'p bor o'z isbotini topgan. Shu bois maktabning, ta'lim va tarbiyaning ahamiyati beqiyos.

Ta'limning, xususan umumiy o'rta ta'limning strategik maqsadlari va jamiyat taraqqiyoti muammolari o'rtasidagi yaqin aloqani, ayniqsa, ta'lim sohasidagi qonunchilikdagi so'nggi o'zgarishlar prizmasidan yaqqol ko'rish mumkin. Bolalarimizga chuqur va sifatli bilim berish bilan bir qatorda qonunlar va odob-axloqni, dinu-diyonat va ma'naviyatni maktablardan boshlab puxta o'rgatish juda muhim. O'quv faoliyatining qanday vositalari zamonaviy bitiruvchining ideal modeliga yaqinlashishga yordam beradi? Bu, albatta, sinfdagi loyiha faoliyati bo'lib, unda o'quvchi jamoada aniq va uyg'un ishlashni o'rganadi, qo'yilgan vazifalarga ijodiy yondashadi, ma'lumotlar bilan malakali ishlashni o'rganadi. Bizga ma'lum bo'lgan guruhlardagi ish turlariga, o'z darslarida o'zini o'zi boshqarish elementlaridan foydalanishga, o'quvchilar o'qituvchining ijtimoiy rolini bajarib darslarni o'zlari o'tkazishga, sinfdoshlariga baho qo'yishga alohida e'tibor qaratishi lozim. Shuni yodda tutishimiz kerakki, o'quvchilarni ijtimoiylashtirish bola hayotining har bir bosqichida maktabning asosiy vazifalaridan biridir.

Bolalar o'zlarini baholashlari, turli hodisalarga sezgir, mamlakatdagi ro'y berayotgan vaziyatga o'z munosabatini bildirishlari mumkin. Maktab o'quvchilarini birinchi navbatda insoniy munosabatlarining axloqiy jihati bilan o'ziga tortadi. Ularning ichki pozitsiyasi, o'zlariga va boshqalarga nisbatan yangi munosabati shakllanib boradi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 23-sentabrda O'RQ-637-son "Ta'lim to'g'risidagi" Qonuni. // www.lex.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: "O'zbekiston", 2021, 224-б.
3. Баранов С.П., Болотича Л.Р., Волива Т.В., Сластёнин В.А. Педагогика. Учебное пособие для пед. училищ. -М.: "Просвещение", 1981.)

REZYUME. Mazkur maqolada umumta'lim maktablari ijtimoiy-pedagogik tizim sifatida tadqiq etilgan. Shunungidek, ularning Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida ijtimoiy funksiyalari va dolzarb vazifalari o'rganilgan.

PEZIOME. В данной статье общеобразовательная школа исследуется как социально-педагогическая система. Кроме того, были изучены их социальные функции и текущие задачи на примере Республики Каракалпакстан.

SUMMARY. In this article, the general education school is studied as a socio-pedagogical system. In addition, their social functions and current tasks were studied on the example of the Republic of Karakalpakstan.

AKADEMIK LITSEYLAR O'QUV JARAYONIDA MOBIL TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDADANISHNING BA'ZI MASALALARI

S.Q.Tursunov – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogikau universiteti
U.E.Kadirov – mustaqil tadqiqotchi
Ichki ishlar vazirligining Qoraqalpoq akademik litseyi

Tayanch so'zlar: raqamli texnologiya, raqamli ta'lim texnologiya, mobil texnologiya, media, samaradorlik, blokli-konstruktsiyalash, mobil ilova.

Ключевые слова: цифровые технологии, цифровые образовательные технологии, мобильные технологии, медиа, эффективность, блочное построение, мобильное приложение.

Key words: digital technology, digital educational technology, mobile technology, media, efficiency, block construction, mobile application.

Ta'lim tizimini modernizatsiya qilish mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining eng ustuvor vazifalaridan biriga aylandi. Bunday sharoitda mamlakatdagi ta'limning barcha darajalarida sifatni oshirish dolzarb muammo bo'lib qolmoqda. Bu borada mustaqillik yillarida ham tub islohatlar olib borilib uning har bir davrida sifatni oshirish uchun turli usullardan foydalanildi. Bunga misol sifatida so'nggi o'n yilliklarda umumta'lim maktablari, akademik litseylar va oliy ta'lim muassasalari ta'limiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish ta'lim samaradorligini sifat jihatidan o'zgarishiga olib keldi. Bunda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'limni samarali tashkil etish, boshqarish va o'quv samaradorligini oshirishda ijobiy ta'sirini ko'rsatdi. So'zsi bu natijalar jamiyatda kompyuter va internet texnologiyalarining rivojlanishi bilan ham chambarchas bog'liq bo'ldi. Aslida bunday rivojlanishlar uzluksiz davom etib, ularning zahirida yangi texnologiyalarning paydo bo'lishi va keng masshtabda joriy etilishi yotadi. Bugungi kunda esa bu

Ijtimoiy munosabatlar tizimidagi o'z o'rini anglash tufayli bolada ijtimoiy shartli qiymat ustuvorliklari shakllanadi.

Shunday qilib, shaxsning rivojlanishi mustaqil ravishda amalga oshirilmaydi, buning uchun psixologik va pedagogik sharoitlarni yaratib, unga maqsadli ta'sir ko'rsatish kerak. Ta'sir ko'rsatishda esa eng avvalo pedagoglarning tutgan o'rni alohida ahamiyat kasb etadi.

"Pedagog, - deb yozadi Yan Amos Komenskiy, sof vijdonli, ishchan, sabotli, matonatli o'quvchilarga o'zi singdirishi lozim bo'lgan fazilatlarining ibratli kishisi bo'lishi, keng ma'lumotli va mehnatga layoqatli inson bo'lishi lozim. U o'z fanini behad sevichi, o'quvchilarga bamisoli otalardek muomalada bo'lishi va har bir ilm oluvchi qalbida bilimga havas tug'dirishi lozim"[3].

Mamlakatimizda ta'lim tizimiga yangi pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish bilan bog'liq ishlar amalga oshirilmoqda. Ta'limni munozara, disput, konferensiya, mushoira, sud o'yinlari va boshqa shakllarda tashkil etishga harakat qilinmoqda. O'quvchilar faolligini oshiruvchi turli interfaol usullar keng qo'llanilmoqda. Bularga misol tariqasida Sinkveyn, Klaster, Aqliy hujim, T-Chizma, Insert jadvali, B-B-B jadvali, Venn diagrammasi, Konseptual jadval va boshqalarni keltirish mumkin.

Umumiy o'rta ta'lim maktablaridagi ta'lim tarbiya jarayonida irsiyat va muhit bera olmagan narsalar, hodisalar o'zlashtiriladi. Ta'lim jarayonida bilimlar, ko'nikma va malakalar hosil bo'libgina qolmay, ilmiy dunyoqarash shakllanib, bolaning ijtimoiylashuv jarayoni faol amalga osha boshlaydi.

yangilanish yanada zamonaviy tus olib, endi ta'lim oluvchining kechayu-kunduz yonida kompyuterdan ham yaqinroq va tezkorroq qurilma mavjud bo'lib, ularni smartfonlar deb ataldi. Bu kabi mobil telefonlar garchi o'lchami kichik bo'lsada funktsional imkoniyati esa bimalol shaxsiy kompyuterlarning o'rini bosa oladi. Eng katta yutug'i sifatida ularning aksariyat ta'lim oluvchilarda mavjudligi va har doim yonidaligidir. Mobil texnologiyalarning shiddat bilan kirib kelishi bilan birga raqamli texnologiyalarning yangidan-yangi ko'rinishlari ham o'z navbatida ta'lim samaradorligini oshirishga, ishlab chiqarish sarf-harajatlarini qisqarishi va mahsulot sifatining ortishiga olib keldi. Ta'limda raqamli texnologiyalarning bulutli texnologiyalar, katta ma'lumotlar, virtual reallik tizimlari va boshqa shu kabi turlaridan o'quv va boshqaruv samaradorligini oshirish, xattoki boshqaruv qarorlarini qabul qilish imkoniyatini bermoqda. Ularni turli xususiyatlariga ko'ra turlarga ajratish mumkin. Undan

tashqari bugun ta'limda qo'llanilishi mumkin bo'lgan texnologiyalar ham ko'pchilikni tashkil qiladi.

N.P.Petrovaning fikriga ko'ra raqamli texnologiyalar raqamli resurslarni qo'llashni nafaqat ta'lim balki iqtisodiy transformatsiyada qo'llash mumkin bo'lgan asosiy yondashuvlardan hisoblash mumkin. Bunda axborot-ta'lim muhitini takomillashtirish maqsadida texnologiyalar va jarayonlar o'rnini qayta taqsimot qilish nazarda tutiladi [1].

Shuningdek, olim raqamli texnologiyalar, ijtimoiy tarmoqlar va messenjerlar ijtimoiy qadriyatlarini o'zgartirdi, shaxsning tarmoq identifikatsiyasiga olib keldi. Talabalarning o'z ta'lim yo'nalishini mustaqil belgilaydigan yangi turning boshlanishiga asossolindi. Ular shaxsiy rivojlanish va o'z taqdirini o'zi belgilash uchun rag'batlantiriladi, ishini o'qish bilan uyg'unlashtiradi.

Raqamli texnologiyalar bu – faoliyat yuritishning bir zamonaviy shakli bo'lib, unda ishlab chiqarish va boshqarishning asosiy faktori sifatida raqamli ko'rinishdagi katta ma'lumotlar majmui va ularni qayta ishlash jarayoni xizmat qiladi.

Bu esa foydalanuvchidan oldiga qo'yilgan maqsadga erishishda yuqori samara beradiganini tanlay olishni talab qiladi. Aniqroq aytganda o'quv samaradorligini oshirishda turli fanlar turlicha vositalarni va texnologiyalarni qo'llashni talab qilishi hammamizga ma'lumki, bu esa o'z navbatida har bir mavzuni o'qitish samaradorligini oshirishda ham o'zgacha yondashuvni talab qiladi. Ya'ni har bir mavzuning mazmuni har xil bo'lganligi sababli, uni optimal yetkazib berishga mos texnologiyalarni tanlashni talab qiladi. Bunda yosh xususiyatlari ham muhim rol o'ynaydi. Boshqacha aytganda maktab o'quvchilariga nisbatan akademik litsey yoki oliy ta'lim muassasalarida talabalari tabiiy ravishda boshqacha yondashuv talab qiladi. Akademik litseylarda tahsil olayotgan o'quvchilar mobil telefonlardan foydalangan holda ma'lumotlarni qidirish va saqlash uchun ijtimoiy tarmoqlar va ularning turli xizmatlaridan keng foydalanadilar.

Ta'limiy maqsadlarda muloqot qilish, ma'lumotlarni qidirish va saqlash uchun ta'lim muassasalarida o'quvchilari ijtimoiy tarmoq imkoniyatlaridan faol foydalanadilar. Ushbu xizmatlarning rivojlanishi bilan ta'limda ijtimoiy tarmoqlardan foydalanishni o'rgatishga oid fanlar ham paydo bo'la boshladi. O'quv faoliyatida mobil va tarmoq texnologiyalaridan foydalanish masalalari amaliy ahamiyati yuqori bo'lganligi sababli ham faol ishlab chiqilmoqda va joriy qilinmoqda. Bunda nafaqat texnik vositalarni balki dasturiy vositalarni xususan pedagogik dasturiy vositalarni ishlab chiqish yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Biroq, bu sohaning hali ham to'liq o'rganilmagan jihatlar ko'pki, bunda mutaxassis olimlardan mahalliy muhit va imkoniyatlarini hisobga olgan holda takomillashtirish zarurligini taqozo etadi.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bo'yicha tashkiloti (YUNESKO) yo'riqnomasida shunday deyilgan: "Aloqa va axborotga bog'liqlik kuchayib borayotgan dunyoda mobil qurilmalar o'tkinchi hodisa bo'lib qolmaydi. Mobil qurilmalarning quvvati va imkoniyatlari muttasil o'sib borayotganligi sababli ulardan ta'lim vositalari sifatida kengroq foydalanish mumkin bo'ladi" [3:42].

Ayniqsa pandemiya davrida ta'lim tizimi duch kelgan muammolar ham bunga yaqqol misoldir. Xususan, deyarli barcha ta'lim muassasalarida ZOOM platformasi imkoniyatlaridan foydalangan holda mashg'ulotlar olib borilgan, o'quv kontentlarini ta'limni va kontentni boshqarish tizimlari orqali yetkazib berilgan bo'lsada, biroq turli pedagogik dasturiy vositalardan mustaqil talimni tashkil etishda foydalanish imkoniyatlarida cheklanishlarga duch kelindi. Bunga sabab esa masofaviy ta'limda ta'lim oluvchilarning katta qismi mobil telefonlardan foydalanayotganligi bilan bog'liq bo'ldi. Aniqroq aytganda muammo mobil telefonlarning

kompyuter uchun mo'ljallangan ko'plab yillar davomida ishlab chiqilgan pedagogik dasturiy vositalarni qo'llab-quvvatlamasligi bilan bog'liq edi.

Muammoni ko'plab yechimlari mavjud bo'lib, xususan Jo'rayev Voxid Tojimatov ichlarida [2] bugunda ta'limiy maqsadli mobil ilovalarni yaratish ishlarini jonlantirish dolzarb masala ekanligini ta'kidlab, eng yaxshi vosita sifatida MIT App Inventor muhitini taklif etadi. Unda keltirilgan pedagogik dasturiy vositalar yaratishni MIT App Inventor blokli konstruksiyalash va loyihalash muhitida mobil ilovalar yaratish ketma-ketligini takomillashtirgan holda quyidagi ketma-ketlikni qayta ishlab chiqdik:

1. MIT App Inventor muhitida yangi loyiha yaratish. Buning

uchun <https://appinventor.mit.edu> platformasiga dastlab kirishda yangi yaratiladigan loyihangizga avval nom berishni so'raladi. Keyinchalik yangi loyiha yaratishga ehtiyoj paydo bo'lsa **Projects** menyusidan **Start new project** buyrug'i beriladi. Agar eski loyiha ustida ishlamoqchi bo'lsangiz u holda loyihalar ro'yxatidan zarur loyiha nomi tanlanadi.

2. «**Designer**» – rejimida ilovaning interfeysini yaratib oling. Bunda loyiha qaysi qurilma uchun mo'ljallanayotganiga qarab ekran o'lchami ro'yxatdan tanlanadi. Ro'yxat 3 bandedan iborat bo'lib unda:

- Phone size (505, 320) – mobil telefonya uchun ilovayaratish;
- Tablet size (675 480) – planshet uchun ilovayaratish;
- Monitor size (1024 768) – monitor uchun ilovayaratishimkoniniboradigan o'lcham hisoblanadi.

O'lcham tanlangandan keyin u gamos ravishda zarur komponentlar bilantiladi. Platformada komponentlarni o'zini bir nechta guruhga bo'lingan. Masalan, **User Interface** guruhi elementlariga: Button, CheckBox, DatePicker, Image, Label, ListPicker, ListView, Notifier, PasswordTextBox, Slider, Spinner, Switch, TextBox, TimePicker, WebViewer; Media guruhi ga esa: Camcorder, Camera, ImagePicker, Player, Sound, SoundRecorder, Speechrecognizer, TextToSpeech, Translator, Video Player mavjudligini aytish mumkin. Har bir komponentni qo'yish uchun bilishimiz zarur bo'lgan ko'rsatmalar mavjud. Ularni har bir komponent to'g'risidagi (?) belgisini bosish orqali olish mumkin.

3. Tugmani qo'yish uchun **User Interface** palitrasidan **Button** uskunasi sichqoncha chap tugmasi yordamida ekran o'rtasidagi mobil qo'rilmaga surib keling. Tugma qo'yilgandan keyin uning qator xususiyatlarini o'zgartirish mumkin bo'ladi. Masalan, Background Color – tugma rangini o'zgartirish, Font Bold – matn qalinlashtirish, Font Italic – egiltirish, FontSize – matn o'lchamini o'zgartirish, FontTypeface – shriftini o'zgartirish, Height – tugma balandligi, Width – tugma eni o'lchami, Image – tugma garasmini fon qilib qo'yish, Text – tugma nomi uchun matn.

4. Yangi ekran hosil qilish uchun menyudan **Add Screen** tugmasi bosiladi.

5. Tugmani tanlangan holda **Blocks** rejimiga o'tish va **Blocks** oynasidan Screen1 (1-oyna) ichidagi Button 1 belgilang.

6. **Control** bloklar ro'yxatidan **Open another screen** blokini olib avvalgi blok ichiga joylang.

7. Uning ichiga esa **Text** bloklar to'plamidan **A text string** nomli blokni joylang.

8. Buning uchun menyudagi **Screen1** ro'yxatini oching va undan 2-ekran (Screen2)ni tanlang.

9. 3-ekran (Screen3)ga esa **Media** palitrasidan **VideoPlayer** komponentini qo'ying. **VideoPlayer** uskunasi tanlanganda quyidagilarga amal qilish talab etiladi: Videolarni ijro qilishga qodir multimedia komponenti. Ilova ishga tushirilganda, VideoPlayer ekranda to'rt burchaklar

shaklida ko'rsatiladi. Agar foydalanuvchi to'rtburchakka tegsa, videoni ijro etish /to'xtatish, oldinga o'tish va orqaga o'tish uchun boshqaruv elementlari paydo bo'ladi. Ilova shuningdek, Start, Pause va Seek To usullarini chaqirish orqali xatti-harakatlarni boshqarishi mumkin. Video fayllar 3GPP (.3gp) yoki MPEG-4 (.mp4) formatlaridabo'lishkerak. Huquqiy formatlar haqida batafsil ma'lumot olish uchun Android tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan media formatlariga qarang. Android uchun App Inventor faqat 1 MB dankichik video fayllarga ruxsat beradi va ilovaning umumiy hajmini 5 MB bilan cheklaydi. Agar sizning media fayllaringiz juda katta bo'lsa, ilovangizni tayyorlash yoki o'rnatish da xatoliklarga duch kelishingiz mumkin, buholdasiz media fayllar sonini yoki ularning go'lchamlarini kamaytirishingiz kerak. Windows Movie Maker va Apple iMovie kabiko'pgina video tahrirlash dasturlari videolarni qisqartirish yoki videoni yana daixc ham formatga qayta kodlash orqali ularning hajmini kamaytirishga yordam beradi. Siz shuningdek, media manbasini oqimli videoga ishoraqiluvchi URL manziliga o'rnatishingiz mumkin, lekin URL videoni ijro qiladigan dasturga emas, balki video faylningo'zigaish oraqilishi kerak.

10.4-ekran (Screen4)ga esa **User Interface** palitrasidan **Image** komponentini o'rnatish. Tasvirlarni qo'yish uchun zaruriy komponent bo'lib, belgilangan rasm va tasvir

Adabiyotlar

1. Петрова Н.П., Бондарева Г.А. Цифровизация и цифровые технологии в образовании. Мир науки, культуры, образования. ISSN 1991-5497. № 5 (78) 2019. -С. 353-355.

2.Жўраев В.Т. Электрон таълим мухитида педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. – Тошкент: ТДПУ, 2021 й. 178-б.

3. West M., Vosloo S. UNESCO policy guidelines for mobile learning //United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization. 2013. -P. 42.

REZYUME. Maqolada muallif akademik litseylar ta'lim jarayonida mobil texnologiyalardan foydalanib samaradorlikka erishishning ba'zi masalalarini ochib bergan.

РЕЗЮМЕ. В статье автор раскрыл некоторые вопросы достижения эффективности использования мобильных технологий в образовательном процессе академических лицеев.

SUMMARY. In the article, the author revealed some issues of achieving efficiency using mobile technologies in the educational process of academic lyceums.

ЁШ БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРДА УМУМИЙ ЧИДАМЛИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

З.Ў.Тўйчиев – катта ўқитувчи

Д.Т.Тўйчиева – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: махсус-харакат тайёргарлик, жисмоний ва техник тайёргарлик, амалий гимнастика машқлари, координацион ва куч чидамлилиги асосий гимнастика воситалари, амалий кўникма ва назарий билимлар.

Ключевые слова: специально-двигательная подготовка, физическая и техническая подготовка, упражнения прикладной гимнастики, основные гимнастические средства координации и силовой выносливости, практические навыки и теоретические знания.

Key words: special motion training, physical and technical training, applied gymnastic exercises, basic gymnastic means of coordination and strength endurance, practical skills and theoretical knowledge.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Мавзу доирасида ўрганилган адабиётлар, илмий тадқиқотлардан аниқландики, бадий гимнастикасида хос жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлигини таъминловчи илмий асосланган машқлар мажмуаси ҳамда шу жараён самарадорлигини баҳоловчи меъёрий талаблар поёнига етмаган, ёш бадий гимнастикачиларни тайёрлаш амалиётида эса ушбу муаммолар назардан четда қолган. Бадий гимнастика машқларининг борган сари мураккаблашиб бориши дастлабки тайёргарлик босқичида шугулланаётган қизларнинг ҳаракат сифатлари ва малакаларини шакллантириш масаласини янада долзарб поғонага кўтармоқда. Мураккаблашиб бораётган машқлар мазмунида кўпгина бир-бирига ўхшаш ва узвий боғлиқ бўлган ҳаракат элементлари мавжуддир.

Бинобарин, жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёни шундай ташкил этилиши лозимки, олдиндан ўзлаштирилган бир гуруҳ машқлар нафақат бошқа турдош машқлар элементларига ўргатиш масаласини енгиллаштириши даркор, балки дастлабки ўзлаштирилган машқлар қайд этилган турдош

ко'ринишининг бoshqa jihatlar **Designer** rejimida yoki **Blocks** muharririda belgilanishi mumkin. Qo'yilgan rasmni ham video singari bir qancha o'zgartirilishi mumkin bo'lgan xususiyatlari mavjud. Masalan, AlternateText, Clickable, Height, Width, Picture, RotationAngle, ScalePictureToFitshularjumlasidandir.

11. Platforma asosiy menyusining **Build**bandidan **AndroidApp**(.apk formatida kompyuterga saqlash imkonini beradi)buyrug'ini beramiz.

12.Bu faylni mobil qurilmaga ko'chirib o'rnatgandan keyin undan foydalanish mumkin bo'ladi.

Bu kabi yo'llar bilan o'quv maqsadlardagi mobil ilovalarni yaratish ta'lim muassasasi o'quvchi, talaba va turli tehsil oluvchilarining katta auditoriyasini qamrab oladi. Talabalarga zaruriy bilim va ko'rsatmalarni berish, ularning mustaqil ta'limlarini samarali tashkil qilish da yaxshi samara beradi. Chunki mobil qurilmalar kun davomida talaba qayerda (uyda, transportda, ko'chada, kutishjoylaridavaboshqayerlarda) bo'lishidan qat'iy nazarhar doim uning yonida bo'lib o'quv kontentlarini matn, tasvir, audio, video ko'rinishlarda taqdim etish bilan birga o'zida talabalar bilan muloqotga kirishish funktsional imkoniyatlarini beradiganin terfaollikni taqdimetadi. Eng asosiysi talabada o'qishga qiziqish va xohish bo'lsa bo'ldi.

машқларга ўргатишда асосий манба бўлиб хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга етакчи техник хусусиятларга эга кенг гимнастик машқлар мажмуасига асосан ишлаб чиқилган мувофиқ жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлиги ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Ташкилий ва услубий жиҳатдан бундай ихтисослаштирилган тайёргарлик нафақат таснифий (классификацион) асосда уюштирилиши керак, балки махсус танланган ўқув-машғулот машқлари ёрдамида олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Жисмоний ва амалий машқлар воситаларидан фойдаланиб ёш бадий гимнастикачиларни чидамлилигини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг вазибалари: Ёш бадий гимнастикачиларни чидамлилигини ошириш учун қуйидаги вазибаларни олдимизга қўйдиқ:

1. Бадий гимнастикада бажариладиган машқлар кетма-кетлигини ўргатиш усулларини адабиётлардан ўрганиб чиқиш.

2. Амалиётда бажариладиган машқларни ўргатиш кетма-кетлигини ўрганиш.

3. Ишлаб чиқилган мажмуаларни тадқиқот орқали асослаб бериш ва самарадорлигини кўриб чиқиш.

Тадқиқотнинг ташкиллаштириш: Тадқиқотлар 2021 йил сентябрь ойидан 2022 йилнинг сентябрь ойигача Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 1-БЎСМ бир йил давомида олиб борилди. Педагогик тажриба икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичи ёш бадий гимнастикачиларнинг жисмоний сифатларини текшириш учун ўтказилди. (2021 йил сентябрида). Тажрибада 30 нафар қизлар иштирок этди.

Тадқиқотнинг натижалари: Махсус жисмоний тайёргарлик – жисмоний сифатларни тарбиялашга ва мукаммаллаштиришга хизмат қилади ҳамда бадий гимнастика машқларини техникасини муваффақиятли бажаришга ва уни такомиллаштиришга имконият яратди.

Махсус жисмоний тайёргарликда чидамликни, тезкорликни, эгилувчанликни, кучни ва координацион ҳаракатларни тарбиялаш назарда тутилган. Бадий гимнастикачи қизларни жисмоний сифатлари даражасини оптимал ривожлантиришни ҳисобга олиш лозим.

Мисол, агарда спорт гимнастикачиларда акробатика машқларини бажаришда тезкор куч қобилятини максимал даражада талаб қилса, бадий гимнастикада эса сакраш машқларини бажаришда, фақатгина сакраганда унинг баландлиги эмас ифодали бажариши ҳам жуда муҳим.

Махсус жисмоний тайёргарлик машқларининг асосий воситалари машқларнинг техникаси тизимига, асосий ҳаракат кўникмаларига яқин машқларни ва ҳаракат сифатларини тарбиялашни эҳтиёж бўлган даражагача талаб қилади.

Тажрибадан олдин қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ўлчаш учун берилган тест натижаларидан кўриниб турибдики тажриба ва

назорат гуруҳида ҳам деярлик бир хил натижа. Эгилувчанлик ўртача ҳисобда тажриба гуруҳида 55,0 см бўлса, назорат гуруҳида 55,3 см кўрсатмоқда. Мувозанат ушлаб туриш вақти эса тажриба гуруҳида 3,9 секунд бўлса, назорат гуруҳида эса 3,8 секунд, куч учун берилган гимнастика деворида оёқларни тўғри бурчак остида кўтариш сони тажриба гуруҳида 5,4 марта, назорат гуруҳида ҳам 5,4 мартани кўриш мумкин. Сакраш баландлиги эса тажриба гуруҳида 14,2 см, назорат гуруҳида 13,9 см ташкил этди. Тезкорлик учун энгашиб оёқларни ушлаш ҳолатидан, қўлларга таяниб ётиш ва қайтиш ҳаракатини 10 секунд ичида тажриба гуруҳидаги қизлар 2 марта, назорат гуруҳидаги қизлар эса 1,5 марта бажаришди.

Демак, кўриниб турибдики тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибадан олдинги кўрсаткичлари бир бирдан унчалик фарқ қилмайди. Иккала гуруҳнинг қизлари бир хил махсус жисмоний тайёргарлик даражасига эга.

Маълумки, бадий гимнастика машқлари кундан кунга мураккаблашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам шуғулланаётган ёш қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини тезроқ ва енгил усуллар билан ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Спорчи қизлардаги махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ошириб ана ундан кейин ушбу ҳаракатларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Айнан шунинг учун ҳам эътиборимизни энг аввало махсус жисмоний тайёргарликка қаратдик.

Биз ҳам тажриба гуруҳи учун махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ривожлантиришга қаратилган машқларни ўргатиш кетма-кетлигидаги мажмуалар ишлаб чиқдик. Бу мажмуалар машғулот вазифаларига қараб машғулотнинг тайёргарлик қисмида, асосий қисмда ва якуний қисмда берилди.

1-жадвал. Тажриба гуруҳида шуғулланувчи қизларнинг тадқиқотдан кейинги махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўлчаш натижалари (тадқиқотдан кейин)

№	И.О.Ф	Эгилувчанлик	Мувозанат	Куч	Сакровчанлик	Тезкорлик
1	Каримова Л	42	9	15	19,5	3
2	Бахромова Г	45	9	14	17,3	4
3	Вахובה Ж	43	7	16	19,5	3
4	Исломова М	42	8	16	22,2	4
5	Давидова О	45	7	11	23,7	3
6	Довулова М	39	8	12	24,2	5
7	Эргашева Л	47	8	11	17,5	3
8	Юсупова Ж	46	7	12	18,0	4
9	Жавлонова М	43	8	15	19,3	5
10	Икромов М	42	9	11	19,8	3
11	Бердиева К	40	9	13	17,7	5
12	Шарипова С	42	8	15	18,7	6
13	Тўғрунова М	44	6	14	15,8	7
14	Эргашева З	46	8	14	17,1	4
15	Эгамов Ф	48	9	15	16,1	5
Жами X ҳисобида		43,6	8	13,6	19,0	4,2

2-жадвал. Назорат гуруҳида шуғулланувчи қизларнинг тадқиқотдан кейинги махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўлчаш натижалари (тадқиқотдан кейин)

№	И.О.Ф	Эгилувчанлик	Мувозанат	Куч	Сакровчанлик	Тезкорлик
1	Абдуҷабборов Л	50	5	10	17,5	3
2	Воҳидова Н	51	6	8	14,9	2
3	Тоҳирова Р	52	5	10	15,1	3
4	Қосимова М	49	6	9	15,7	3
5	Давридино Г	51	6	8	16,2	2
6	Қодирова И	48	5	10	17,0	3
7	Эшмаҳматова О	54	6	8	13,8	2
8	Юлдашева М	53	5	10	14,9	2
9	Жалолова М	49	6	10	16,5	3
10	Ўктам А	55	6	8	14,6	2
11	Тошева Ш	50	6	6	12,5	2
12	Қарисмова С	48	5	7	11,7	4
13	Ражабова Г	49	6	8	10,7	3
14	Бозорова М	51	4	9	13,2	2
15	Дехқонова М	50	6	10	11,2	4
Жами X ҳисобида		50,6	5,5	9,0	14,3	2,6

Тадқиқот якунида тажриба ва назорат гуруҳида шуғулланувчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражаси тегириб қўрилди (1-2-жадвал).

Кўриб турганимиздек, тадқиқот гуруҳида ўсиш сони анча юқори. Эгилувчанлик ўртача ҳисобда назорат гуруҳида 50,6 см бўлса, тажриба гуруҳида 43,6 смни кўрсатмоқда. Мувозанат ушлаб туриш вақти эса назорат гуруҳида 5,5 секунд бўлса, тажриба гуруҳида 8 секунд давом этмоқда, куч учун берилган гимнастика деворида оёқларни тўғри бурчак остида кўтариш сони назорат гуруҳида ўртача ҳисобда 9 марта, тажриба гуруҳида эса 13,6 мартани кўриш мумкин. Сакраш баландлиги эса назорат гуруҳида 14,3 см, тажриба гуруҳида 19,0 см ташкил этди. Тезкорлик учун энгашиб оёқларни ушлаш ҳолатидан, қўлларга таяниб ётиш ва қайтиш ҳаракатини 10 секунд ичида назорат гуруҳидаги қизлар 2,5 марта, тажриба гуруҳидаги қизлар эса 3,7 марта бажаришди.

Демак, олинган натижаларда кўриниб турибдики назорат гуруҳидан кўра тажриба гуруҳида махсус жисмоний тайёргарлик даражаси анча юқори бўлган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқилган машқлар кетма-кетлига мажмуаси тажриба гуруҳининг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини ўсишига олиб келди.

Адабиётлар

7. Eshtayev A.K., Xasanova N.R., Eshtayeva V.B. Badiiy gimnastika. Darslik. –T.: “O‘zkitob savdo nashriyoti” 2020, 577-b.
8. Umarov M.N., Fetxullova N.X. Badiiy gimnastika nazariyasi va uslubi. O‘quv qo‘llanma. "O‘zbekiston Davlat Jismoniy Tarbiya va Sport Universiteti" - Ch.: 2020, 251-b.
9. Eshtayev A.K. Sport gimnastikasi mashg‘ulotining nasariy asoslari (uslubiy qo‘llanma). O‘DJTI nashriyot-matbaa bo‘limi. -T.: 2009. 113-b.
10. Ulezko I.V. «Teoriya metodika xudojestvennoy gimnastiki». Uchebnoe posobie. «Tashkent o‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uy». 2021, -P. 105.
11. Xaytmetov I.S. “Sport pedagogik mahoratini oshirish” (Badiiy gimnastika) Xoreografik mashqlarini o‘tkazish uslubi. O‘quv-qo‘llanma –T.: «Davlat matbuot savdo», 2020, 176 -b.

РЕЗЮМЕ. Ишда бадий гимнастика бўйича дастур машқлари мураккаблашгани муносабати билан ёш гимнастикачиларнинг тайёргарлигининг дастлабки босқичида ҳаракат сифатлари ва малакаларини шакллантириш масалалари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. Основными вопросами рассматриваемыми в данной работе является формирование двигательных качеств и навыков юных гимнасток на начальном этапе подготовки, в связи с усложнением программных упражнений художественной гимнастики.

SUMMARY. The main issues considered in this work is the formation of motor qualities and skills of young gymnasts at the initial stage of training, due to the complication of program exercises in rhythmic gymnastics.

БОЛАЖАҚ СҮҮРЕТЛЕҮ ӨНЕРИ ОҚЫТУШЫСЫНЫҢ КӘСІПЛИК КОМПЕТЕНЛИЛИГІН ҚӘЛІПЛЕСТИРҮ МӘСЕЛЕСІ

Т.В.Уразимова – *көркем-өнер таныу илимлари кандидаты, доцент*

С.Даулетов – *магистрант*

Әженияз атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институт

Таянч сўзлар: педагогика, таълим жараёни, касбий компетенциялар, тасвирий санъат, ижодкорлик.

Ключевые слова: педагогика, процесс образования, профессиональные компетенции, изобразительное искусство, творчество.

Key words: pedagogics, education process professional competencies, graphic arts, creativity.

Көркем өнердің хәзирги замандағы жағдайы концептуал авторлық қатнастар хәм бағдарлардың үлкен көлемі менен сыпатланады, сүўретлеў өнериниң ўазыйпаларының өзлери, пәнниң түсиндирилиўи, тийкарланыўи өзгереді, булардың барлығы дөретиўшилиқ мәселеси бойынша мағлыўматлар көлеминиң көп мәнилилигине хәм қарама-қарсылықлылығына алып келди. Сонлықтан болажақ педагогта, оқыўшылардың көркемлик-билим алыўшылық искерлигиниң мазмунын қәлиплестирүде мағлыўмат пенен ислей алыў, заманағөй изертлеўлерден, илимий қатнастардан пайдалана алыў уқыплылығын қәлиплестирү оғада әҳмийетли.

«Сүўретлеў өнери» пәнниң теориялық хәм әмелий тийкарының мазмунын иске асырыўдың шәртли жағдайы, оқытушының таярлығы, қатнасық кура алыў уқыбы, оқыўшылардың дөретиўшилиқ искерлигин қәлиплестирүди иске асыра алыў уқыбы болып табылады. Талабаға сүўретлеў өнериниң теориясын жеткерип беріў хәм сүўрет үстинде жұмыс ислеўдин уқыпшылықларын хәм көнликпелерин қәлиплестирү – болажақ оқытушының көркемлик-педагогикалық искерлигиниң тек ғана азғантай бөлеги. Бүгинги күни көркем өнердің ўазыйпалары, күнделикли турмыста

Хулоса. Тадқиқот жараёнида олиб борилган тест талаб меъёрлари бадий гимнастикачилар томонидан дастлабки натижалари билан икки ойдан кейин жисмоний тайёргарлик кўрсатгич натижаларини таққослаб кўрганимиздан кейин шундай хулосаға келишимиз мумкин.

1. Бадий гимнастика билан шуғуланувчи қизларни чидамлилигини ошириш учун жисмоний тайёргарликларликларини ошириш учун машқларни кўпроқ қўллаш мақсадға мувофиқ бўлади.

2. Чидамлиликни оширишда махсус жисмоний тайёргарликни ошириш учун, машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш мақсадға мувофиқ.

3. Чидамлиликни сифатини оширишда қизларни ёшига ва жисмоний имкониятига қараб ошириб бориш яхши натижа беради.

4. Чидамлилик ривожлантириш учун ишлаб чиқилган машқлар мажмуасини машғулотларнинг охирида қўлланилса шуғуланувчиларни чидамлилигини оширишға хизмат қилади.

оғада күшли физикалық хәм ақыл менен ислеўдеги зорлығыўларды басынан кеширетуғын адамның кеўил көтериўшилиги хәм күшли сезимли тәсирлениўшиликти босанластырыўи менен байланыстырлады. Көркем өнердің теориялық тийкаргы базасын билмей турып көркем өнердің бул бағдарын түсиниў мумкин емес. Талабаны оқыўшылар менен қатнасық дүзиўге коммуникацияға таярлаў керек, қатнасық қурыў усылы искерликтин аўызша емес нәтийжеси болады.

Әдебиятларды теориялық изертлеў көркемлик-педагогикалық искерликтин, барлық пәнлерге хәр тәрәпке универсал ылайықлы, сүўретлеў өнери оқытушысының кәсіплик таярлығын баҳалаў ушын белгилер бола алатуғын, улыўмаластырылған, дүзилісли блоктарын табыўға жәрдем етти.

Сүўртлеў өнери оқытушысын кәсіпке таярлаў, тек ғана оны сүўретлеў өнери бойынша саўаттылыққа үйретиўге емес, ал инсанның көркем-дөретиўшилиқ раўажланыў процесин басқарыўға да мумкиншилиқ беретуғын, оның кәсіплик компетенлилигиниң психологиялық-педагогикалық хәм көркем-дөретиўшилиқ бағдарлардың бириктирилиўи тийкарында қәлиплестирилиўи процесини сыпатында қаралады.

Сүүретлеу өнери оқытушысының кәсіптік компетенттілігі – бұл педагог-художниктің, оның кәсіптік іскерлігінде пайда болатын көркемдік нәзәрдегі де, сондай-ақ педагогикалық нәзәрдегі де кәсіптік мәселелерді хәм машқалаларды өзіннің билимлеринен, кәсіптік хәм өмір тәжірибесинен, қунлылықтарынан хәм зейинділіклеринен, дәретіу-шилик тәжірибесинен пайдалана отырып шеше алыу уқыптылығын белгілеуші жекке инсанлық кәсіптіктерінің улыўмаластырылған сыпатламасы.

Талабалардың арнаўлы билимлендириу процесиндегі педагогикалық таярлығы сүүретлеу өнерине оқытушының педагогикалық бағытланыўшылығын, педагогикалық кәсіпке унамлы қатнасты хәм қызығушылықты (оқытушылық жұмыс пенен шұғылланыўға инталылық хәм таярлық, өзіннің маманлығын жетилистириуге умтылыў) нәзәрде тутады. Сүүретлеу өнери оқытушысының жекке инсанлық кәсіптік-педагогикалық бағытланыўшылығының айрықшалығы, оның кәлиплестирилиўиниң үйрениу-билим алыўшылық хәм көркем-дәретіушилик іскерліклериниң бирлигинде болып өетуғынлығы болып табылады. Кәсіптік-педагогикалық бағытланыўшылық, солай етип, еки мәнисте: болажақ оқытушының жекке инсанлық тулғасының, мақсетке умтылдырыушы мотивациялық тәрәпин сәулендириуші, ең тийкаргы сыпатламаларының бири сыпатында хәм оқыту-тәрбия процесин сәйкес келиуші іскерлікке таярлықты кәлиплестириуге бағдарлауды тәмийинлеуші усыллар системасы сыпатында алға шығады.

Көркемдік-педагогикалық билимлендириу тараўындағы қәнигелерди кәсіптік, көркемдік-педагогикалық таярлау төмендегі жағдайларды есапқа алыуды талап етеуғын, көп көз-қараслы, көп аспектілі қубылыс:

Ta'lim jarayoniga bu mexanizmlarni tatbiq etish kadrlar tayyorlashga yo'naltirilgan umumiy jarayon mazmunining sifat jihatidan o'zgarishini ta'minlaydi. Yangi pedagogik texnologiya nazariyasi g'ovalaridan foydalanish asosida tashkil etilgan tadbirkorlikka yo'naltirilgan o'quv jarayoni barkamol shaxs va malakali mutaxassisni tarbiyalash borasidagi ijtimoiv buyurtmaning bajarilish holatining sifat ko'rsatkichiga ega bo'lishiga turtki bo'ladi. Ijtimoiy-iqtisodiy ishlab chiqarish jarayonidagi barkamol shaxs va malakali mutaxassislar faoliyatlarining rivojlanishi ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot tezlashuviga olib keladi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning quyidagi pedagogik shart-sharoitlarini keltirishimiz mumkin:

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish tizimi pedagog va o'quvchi muloqotini yaxshilashda ijodiy natijaga erishish uchun qulay hamda keng imkoniyatlarga ega.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish ta'limda ko'rgazmali, amaliy tushuntirish hamda reproduktiv usullarini qo'llashning yangi sifatli darajaga ko'tarilishini ta'minlaydi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmlaridan foydalanish ta'lim shakli, o'quvchilarning bilim doirasini kengaytirishga xizmat qiladi, diqqatni iamlaydi, shaxsning ijodkorlik, tadbirkorlik, ishbilarmonlik imkoniyatlarini oshiradi.

Pedagog maslahati bilan o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish orqali o'quvchilarni umumta'lim fanlarini samarali o'zlashtirishlariga imkon yaratiladi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish metodikasi ko'rgazmalilikni oshiradi. o'quvchilarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantiradi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmlaridan foydalanish o'quvchilarning ishbilarmonlik, uddaburonlik bilan axborotlar izlash, topish, tanlash va olingan ma'lumotni jamlash kabi mustaqil ishlash ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmlaridan foydalanish o'quvchini o'z bilimi va imkoniyatlarini obyektiv baholashga imkon beradi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish o'quvchilarning biznesga qiziqishlarini va ta'lim sifatining oshishiga olib keladi.

Shunday qilib, ingliz tili mashg'ulotlarda va darsdan tashqari vaqtlarda o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmlaridan foydalanish shaxsiy ijodkorlikni rivojlantirish, psixologik-pedagogik bilimlar asosida o'quv-tarbiya faoliyatini to'g'ri tashkillashtirishga imkon varatadi.

Bundan tashqari ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish o'quvchilarning idrok qilish faoliyatlarini rivojlantiradi va o'quv jarayonini faolashtiradi, bilim va ko'nikmalarni mustahkamlaydi, darsdan tashqari vaqtlarda o'quvchilarni faol ijodiy, varaturvchanlik, ishbilarmonlik faoliyatiga yo'naltirishga sabab bo'ladi.

Adabiyotlar

1. Tolipov O'.Q., Inoyatova M.Ye. Pedagog shaxsini tarkib toptirishning didaktik modellari. / Pedagogika. –T.: 2014. №3. 10-b.
2. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Мищенко А.И., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. -М.: Школа-Пресс, -С.298-301. 1997.
3. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. СПб.: Питер: 2001. –С. 272. (Серия “Мастера психологии”).
4. Вишнякова Н.Ф. “Креативная психопедагогика”. Психология творческого обучения, Изд. НИОРБ “Поли Биг”, -Минск: 1995, -С. 129.
5. Сластенин В.А. Профессионализм учителя как явление педагогической культуры. Педагогическое образование и наука. 2004. №5.
6. Masharipova Sh.M. “Ta'lim texnologiyalari jurnali”. №3, 2014. 2-b.
7. Rajabov R.K., Sultonov H.E. Tasviriy san'at fanini o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma, 123-b. –Toshkent: 2008.
8. Ahmadaliev A.M., prof. Oosimov A.H. “Innovatsion faoliyat va ilg'or pedagogik texnologiyalar”. O'quv qo'llanma. –T.: 2006.

REZYUME. Maqolada ijtimoiy-iqtisodiy ishlab chiqarish jarayonidagi barkamol shaxs va malakali mutaxassislar faoliyatlarining rivojlanishida ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning pedagogik shart-sharoitlari haqida fikr va mulohazalar bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье описаны педагогические условия развития предпринимательских способностей учащихся на занятиях по английскому языку в условиях развития деятельности компетентных лиц и квалифицированных специалистов в процессе общественно-экономического производства.

SUMMARY. The article describes the pedagogical conditions for the development of entrepreneurial skills of students in the English language classes in the development of the activities of competent individuals and qualified specialists in the process of socio-economic production.

MUSIQA MASHG'ULOTLARIDA CHOLG'U ASARLARINI O'RGATISH ORQALI O'QUVCHILARDA MUSIQIY-ESTETIK DIDNI SHAKLLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMLARI

B.X.Madrimov – *pedagogika fanlari nomzodi, professor*

Buxoro davlat universiteti

D.S.Samatova – *assistent o'qituvchi*

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

Sh.N.Omanqulova – *pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori*

O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: musiqa mashg'ulotlari, to'garaklar, xalq musiqa merosi, cholg'u asarlari, o'quvchilar, musiqiy-estetik did, ustoz-shogird, kompozitor, qashqar rubobi, kuy-qo'shiqlar, maqom, mumtoz musiqa, pedagogik mexanizmlar.

Ключевые слова: уроки музыки, кружки, народное музыкальное наследие, музыкальные инструменты, учащиеся, музыкально-эстетический вкус, учитель-ученик, композитор, Кашгарский Рубоб, песни, статус, маком, классическая музыка, педагогические механизмы.

Key words: music lessons, circles, folk musical heritage, musical instruments, students, musical and aesthetic taste, teacher-student, composer, Kashgar Rubob, songs, maqom, classical music, pedagogical mechanisms.

Bugungi kunda mamlakatimizda ta'lim sohasida qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Ayniqsa umumta'lim maktablarida darslardan tashqari mashg'ulotlarning olib borilishi va ularni pedagogik jihatdan to'g'ri tashkil etilishi hamda ularning samaradorligini asoslovchi pedagogik mexanizmlarni ishlab chiqish ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb

vazifalarni belgilaydi. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Yoshlarni ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish to'g'rsida”gi ma'ruzasida belgilab berilgan vazifalar ijrosini ta'minlash bo'yicha 5 ta muhim tashabbusning ahamiyati katta [1].

Umumta'lim maktablarining musiqa mashg'ulotlari jarayonida xalq musiqa merosi, milliy cholg'ularini o'rgatish orqali o'quvchilarning musiqiy-estetik didni va musiqiy idrok etish ko'nikmalarini shakllantirish va boshqa har qanday tarbiyaviy vazifalarni amalga oshirish kabi uzoq muddatli tizimlashtirilgan va aniq rejaga asoslangan pedagogik faoliyatni talab etadi.

Umumta'lim maktablarining musiqa mashg'ulotlari jarayonida xalq musiqa merosi hisoblangan kuy-qo'shiqlar, musiqiy asarlar orqali o'quvchilarning musiqiy-badiiy, estetik didini shakllantirib borish o'qituvchidan mukammal bilim, ko'nikma va malakalarni talab qiladi. O'quvchilar maktabga turli darajadagi musiqiy tayyorgarlik bilan keladilar. O'qituvchi tomonidan bolalarga qulaylik tug'dirish uchun xalq musiqa merosi sanalgan cholg'u asarlarining nomlari aytilgandagina ular bu cholg'u asarlari yoki kuylarni eshitganligini, o'ziga tanishligini va ayrimlarini yaxshi ko'rishini aytishadi. Ayrim o'quvchilar esa kuylardan bir nechta taktlarini ijro qilib berishlari ham mumkin. Bular o'quvchilarni turli darajadagi musiqiy tayyorgarliklari, qiziqish va qobiliyatlari bilan ham bog'liq bo'ladi.

Musiqa to'garagi rahbari turli janrlardagi oddiy va murakkab kuy, marsh, alla, raqs xarakteridagi asarlardan namunalar eshittirishi va o'quvchilarga murojaat qilib kimga qaysi asar yoqqanini va nima uchun yoqqanini, asarni eshitganlarida tasavvurlarida nimalar aks etganini ifoda etishlari so'raladi. Bunda har bir o'quvchi o'ziga yoqqan asarni tanlab nomini aytadi. Dastlabki paytlarda o'quvchi asar nomini aytish bilan cheklanadi, keyinchalik esa o'z fikrlarini to'laroq tarzda ifoda etishga harakat qilishadi. Keyingi mashg'ulotlarda esa asarning yoqqanlik sababini izohlab berish, tushuntirib berishlariga erishish kuzatiladi va borgan sari bu jarayonni murakkablashtirib borish talab etiladi.

Uchinchi, to'rtinchi mashg'ulotlarda o'quvchilar cholg'uda kuy ijro etish va tinglash uchun tavsiya etilgan asarlarni bu qo'shiq yoki kuy qaysi janrga mansubligini, u kim tomonidan yaratilganligini, g'oyaviy-badiiy mazmuni, xalq musiqasi yoki kompozitor ijod mahsuli ekanligini, bastakor ijodining ayrim jihatlarini haqida ham so'zlab bera oladigan bo'ladi.

Musiqa asarlari orqali o'quvchilarda musiqani idrok etish va badiiy-estetik didni shakllantirishda samarali mashg'ulotlarni olib borishdan tashqari tashkiliy pedagogik mexanizmlarini olib borish orqali ham amalga oshirish mumkin. Masalan:

- ta'lim maskanlarida ijodiy kechalar uyushtirish;
- musiqa maktablarining turli orkestr ansambllari darslarini kuzatib, tahlil qilib musiqiy bilimlarini boyitish;
- madaniyat uylarida tashkil etilgan cholg'u ijrochiligi mashg'ulotlarini kuzatish va o'z bilimi doirasida baholay olish;
- shahar va viloyat akademik ansambllarini ijodlarini kuzatishini tashkil qilish.

Bunday tashkiliy pedagogik mexanizmlar mashg'ulot a'zolarini musiqiy-estetik didlarini shakllanishiga xizmat qiladi.

Musiqa mashg'ulotlarida cholg'u asarlarini o'rgatish orqali o'quvchilarda musiqiy-estetik didni shakllantirishning eng asosiy omillaridan biri cholg'u mashg'ulotlarini pedagogik mexanizmlar asosida tashkil etilishidir. Har bir cholg'u sozlarini o'rgatilishi alohida pedagogik jarayonni tashkil etadi.

Cholg'u mashg'ulotlarini tashkil etishda quyidagi tashkiliy qismlar amalga oshiriladi:

- musiqiy qobilayotga ega bo'lgan iqtidorli o'quvchilarni tanlab olish;
- sinflarga kirib cholg'u mashg'ulotiga qatnashish istagi bor o'quvchilarning ro'yxatini tuzish;
- mashg'ulotni olib boradigan sinfxonani tanlab olish;
- mashg'ulot vaqtini e'lon qilish;
- o'quvchilarning o'z cholg'u sozlariga ega bo'lishlarini tashkil qilish;
- cholg'u mashg'ulotining ish rejasini tuzish;
- mashg'ulotning maqsad va vazifalari bilan tanishtirish;
- bo'shlang'ich mashg'ulot jarayonini pedagogik tashkil qilish;
- mashg'ulotni didaktik tamoyillar asosida olib borilishini ta'minlash.

Shu bilan birga cholg'u mashg'ulotlarini samarali olib borishda bir qator pedagogik mexanizmlar amalga oshirish lozim.

Musiqa mashg'ulotlarida o'quvchilarga cholg'u asarlarini o'rgatishning tashkiliy-pedagogik mexanizmlari

Cholg'u sozlarining tarixi, tuzilishi, sozlanishi, ijrochilik imkoniyatlari, bilan tanishtirish;	Cholg'u sozlarini tog'ri ushlash qoidasi (pas-tanofka)ni o'rgatish.	Ijrochilik kompetensiyalarini o'rgatish. Ijrochilikdagi nazariy va amaliy bilimlarni uyg'unlikda olib borishga, nota bilan ishlashga, ijrochilik mahoratini oshirib borishga o'rgatish.	Musiqiy asar bilan tanishtirish, ijro etib berib tinglatish va tahlil qilish. Bosqichma-bosqich o'rganishni amalga oshirish.	Cholg'u sozlarida musiqiy asarning badiiy xarakterini ochib berishga o'rgatish.
--	---	---	--	---

Mashg'ulot avvalida o'quvchilari asar haqida ancha to'liq va mazmunli so'zlab bera oladigan va asar mualliflari haqida ham, ayrim ma'lumotlarni ham keltira oladigan bo'ladi. O'qituvchining yordami, o'quvchini rag'batlantirib borish, uni fikrini bulib qo'ymaydigan tarz-dagi tuzatishlari o'quvchilarda bu jarayonga faol munosabat va xayrixohlikni kuchayishiga olib keladi.

Cholg'u mashg'ulotlarida o'quvchilarning musiqiy-badiiy estetik didlarini shakllantirish albatta, birinchi navbatda yoqimli va badiiy ta'sirchan ijroga asoslangan bo'lishi lozim. O'quvchilarning musiqiy-badiiy estetik didini shakllantirishda xalq musiqa merosining asosiy qismini tashkil qiluvchi o'zbek xalq cholg'ulari alohida ahamiyatga ega. O'zbek milliy cholg'ularidan musiqa pedagogikasida muhim ahamiyat kasb etuvchi xususiyatga ega va jarangdor cholg'ulardan biri qashqar rubobini oladigan bo'lsak, u musiqa madaniyati darslarida va cholg'u mashg'ulotlarida o'quvchilarga qo'shiq o'rgatish uchun eng kerakli cholg'u

vositasi hisoblanadi. Uning jarangdorligi, ijrochilik imkoniyati, oktavasi, musiqiy asarlarni ijroda badiiy mazmunini aks ettirib bera olishi, tovush xususiyati musiqa mashg'ulotlarini sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Cholg'u mashg'ulotlarida rubob cholg'usini o'quvchilarga o'rgatishning o'ziga xos xususiyatlarini ifodalashda quyidagi tashkiliy-pedagogik vazifalar amalga oshiriladi.

1. Rubob cholg'usiga qiziquvchi o'quvchilarni ajratib olish;
2. Yuqorida berilgan pedagogik mexanizmlardan so'ng asar tanlash;
3. Asarni qismlarga bo'lib o'rganish;
4. Asarni mustahkamlash;
5. Asarning badiiy mazmunini ijroda ifoda etib berish kabilardir.

Biror bir cholg'uni o'rganish va unda kuy ijro etish musiqaga qiziquvchi o'quvchilar uchun eng sevimli va qulay

jarayon hisoblanadi. Mashg'ulot jarayonidan barcha pedagogik va tashkiliy faoliyat turlari qo'llanilmasdan faqat kuy ijro etish yoki biror qo'shiq ijro etish o'quvchilarni mashg'ulotga bo'lgan qiziqishini kamaytirmaydi.

Misol uchun, taniqli bolalar kompazitori G. Qodirovning "Qashqarcha" asarini o'quvchilarga tanishtiramiz va shu bilan bir qatorda doira cholg'usiga qatnashadigan o'quvchilarga ham shu asarni o'rgatib boramiz. Asar mukammal o'rganilgandan keyin doira cholg'usi jo'rnavozligi bilan ijro ettiramiz. o'quvchilarda biroz qiyinchilik bo'ladi, ammo, keyinchalik ko'proq o'z ijrosi usita ishlaganlaridan so'ng asar ijrosi chiroyli amalga oshiriladi.

O'quvchilarning musiqiy-badiiy estetik didini o'stirishda biror bir cholg'uda kuy ijro etishining o'rni va ahamiyati muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki cholg'uda kuy ijro etish jarayonida o'quvchilar bu faoliyatga ijodiy yondashadilar, ya'ni, har bir o'quvchi o'z iste'dodi orqali ma'lum bir asarni, yoki kuyni bevosita ijro etishi talab etiladi.

Xalqimizning musiqa merosi va milliy qadriyatlarini yoshlar ongiga singdirishda keng imkoniyatlar yaratilgan bugungi kunda cholg'u kuylaridan foydalanish alohida ahamiyat kasb etmoqda [4]. Musiqa mashg'ulotlarida xalq musiqa merosi hisoblangan xalq kuy-qo'shiqlari vositasida o'quvchilarni badiiy didini shakllantirish muammosi hozirgi kunda muhim muammolardan hisoblanadi. Musiqiy-badiiy estetik didni shakllantirish sifatida xalq kuy va qo'shiqlarining imkoniyatlaridan ta'lim jarayonida unumli foydalanish yuzasidan ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqish zarurati sezilmoqda.

Xalq qo'shiqlari vositasida o'quvchilarni musiqiy-badiiy estetik didini shakllantirishda musiqa mashg'ulotlari katta imkoniyatlarga ega [2]. Zero, xalq kuy-qo'shiqlari xalqning ezgu niyatlari, orzu istaklari va ichki tuyg'ulari, uning urf-odatlarini va an'analari bilan bevosita bog'langandir.

Turli millat xalqlarining kuy-qo'shiqlarini tinglash, kuylash va boshqa ko'p ovoqlik elementlardan foydalanish o'quvchilarning musiqiy bilimlarini yanada oshiradi.

Musiqa mashg'ulotlarida musiqiy-estetik didni shakllantirishning o'ziga xosligi shundaki, musiqa ta'limi va tarbiyasi vazifalaridan tashqari badiiy-ijrochilik vazifalari ham qo'yiladi.

San'at estetik tarbiyaning bitmas-tuganmas manbaidir, chunki, u o'zida to'raligicha va bevosita estetik olam, inson qalbi va aqlining cheksiz kuch bilan zabt etuvchi maftunkor dunyodir [4].

Musiqa san'atining muhim xususiyatlaridan biri shundan iboratki, unda haykaltaroshlik va rassomchilikka xos bo'lgan predmet tasviri yoki nasr va nazmga xos ko'rinishlar mavjud emas. Musiqada insonning turfa his-

tuyg'ulari, kechinmalari, ruhiyati ifoda etiladi. Musiqa mashg'ulotlarini qiziqarli va to'g'ri tashkil qilish bilan birga o'quvchilarning qiziqishlarini nazarda tutish muhim pedagogik omillardan sanaladi. Shunga ko'ra o'quvchilarni qiziqtiradigan, jalb etadigan, rag'batlantiradigan vaziyatni yaratish, ularda estetik hissiyotni o'stirishning eng zarur shartidir. Shu ma'noda o'quvchilardagi hissiyot, tuyg'u o'zlariga tanish bo'lgan kuy va qo'shiqlarni bevosita o'zlariga ijro etganlarida sodir bo'ladi. O'quvchilarda sodir bo'layotgan his-hayajonlarni ongli bo'lishiga harakat qilish, ularni mustaqil fikrlashga, baholashga o'rgatish va buning uchun mavjud imkoniyatlardan to'la foydalanish asosiy omil bo'ladi.

Kuy va qo'shiqlarning mazmunini tushunish, uni idrok qilish tinglovchining umumiy madaiyatiga, shuningdek, uning maxsus tayyorgarlikka egaligiga bog'liq bo'lib, musiqani tushunadigan o'quvchining musiqa asarlariga qiziqish doirasi, badiiy didning yuqori darajada namoyon bo'lishi bilan ajralib turadi. Musiqani anglash va tushunish atrofda hayotni to'la-to'kis idrok qilish uchun zarurdir, chunki, amalda san'at asari va hayotdagi estetik voqelikning (narsa, buyum, tasvir, musiqiy asar) mohiyatiga chuqur kirib borish qobiliyati maktab o'quvchisi shaxsining har tomonlama rivojlanishiga yordam beradi.

Musiqa mashg'ulotlarida o'quvchilarga o'zbek mumtoz musiqasi haqida beriladigan bilim, tushunchalar tub mazmunida xalqimizning musiqa madaniyatining asrlar osha bizga yetib kelgan va ular ta'sirida hozirgi kunda ham yaratilayotgan, ijro etilayotgan nodir merosni qadrlash, asrab-avaylash, o'rganish orqali milliy g'oya va mafkura ruhida tarbiyalashning ilmiy-pedagogik tizimini yaratish va hayotga tadbir qilish musiqiy ta'limni o'qitishning muhim muammolaridandir.

Musiqa mashg'ulotlarida o'rgatiladigan o'zbek mumtoz musiqasi vositasida shakllangan badiiy estetik did, badiiy nafosat, musiqiy madaniyat va xalq musiqa merosiga ongli munosabat unsurlari sarasiga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

1. Musiqiy asarning g'oyaviy mazmuni hamda ularda aks etgan badiiy obrazlarni, lirik kechinmalarni tasavvur qilish;
2. Musiqiy asar g'oyaviy mazmunining ohanglarda aks etishiga e'tibor berish, ularda o'zaro mutanosiblik va sinxronlikni anglash;
3. Kuy va ohangni mukammalligini ta'minlovchi o'ziga xos ijro talqinlarini sezish, ko'ra bilish, baholay olish;
4. Ijrochining ijro mahoratini baholay olish;
5. Asarlarning turli murakkablik darajasini anglash, ijro usuli (o'lchov-ritm), ohang bo'yoqlari, tovlanishlarini idrok etish ko'nikma va malakalariga ega bo'lish;
6. O'z ijro imkoniyatlarini bilgan holda namunalarni ijro eta olish malakalariga ega bo'lish.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2019 yil 19 mart kuni o'tkazilgan videoselektor yig'ilishidagi "Yoshlarni ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish to'g'risida"gi ma'ruzasida belgilab berilgan vazifalar ijrosini ta'minlash bo'yicha 5 ta muhim tashabbus.

1. Fayzullayev E. Bo'lajak musiqa o'qituvchilari badiiy didini shakllantirishda o'zbek mumtoz musiqasi imkoniyatlaridan foydalanish. -T.: 2008.

2. Madrimov B.X. Xalq musiqa folklori vositasida o'quvchilarni estetik tarbiyalashning pedagogik asoslari. Pedagogika fan nomzodi ilmiy darajasini olish uchun Aftoreferat. -Toshkent: 2008, 22-b.

3. Hasanova Z. D. Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarida axloqiy - estetik dunyoqarashni rivojlantirish. -B.: "Buxoro", 2016. 195-b.

REZYUME. Maqolada musiqa mashg'ulotlarida xalq musiqa merosi hisoblangan cholg'u asarlari bilan tanishtirish va o'rgatish orqali o'quvchilarda musiqiy-estetik didini shakllantirishning pedagogik asoslari va mexanizmlari ochib berilgan. Shu bilan birga o'quvchilarda "Ustoz- shogird" an'analarga amal qilishni odat qildirish, milliy kuy-qo'shiqlarimizga, Vatanga, oila va insonlarga mehr-muhabbatini oshirish orqali o'quvchi yoshlarni musiqiy-estetik didini shakllantirishning keng ko'lamli xususiyatlari yoritilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье раскрываются педагогические основы и механизмы формирования музыкально-эстетического вкуса у учащихся путем внедрения на занятиях по музыке обучение музыкальным инструментам, являющимся наследием народной музыки. В то же время это широкий спектр возможностей формирования музыкально-эстетического вкуса учащихся путем приучения их к соблюдению традиций «Учитель-ученик», повышения их духовности и любви к нашим национальным песням, Родине, семье и народу.

SUMMARY. The article reveals the pedagogical foundations and mechanisms for the formation of musical and aesthetic taste in students through the introduction of teaching musical instruments in music lessons, which are the heritage of folk music. At the same time, this is a wide range of opportunities for shaping the musical and aesthetic taste of students by accustoming them to observe the Teacher-Student traditions, increasing their spirituality and love for our national songs, Motherland, family and people.

MAKTAB MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING NAZARIY BILIMLARINI O'ZLASHTIRISHLARIDA INTERFAOL METOD VA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH

M.B.Murodov – *katta o'qituvchi*

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti

Tayanch so'zlar: musiqa madaniyati, dars, musiqiy nazariy bilimlar, interfaol metod, didaktik o'yinlar, bilim, o'quvchilar.

Ключевые слова: музыкальная культура, уроки, музыкально-теоретические знания, интерактивный метод, дидактические игры, знания, учащиеся.

Key words: music culture, lessons, music theoretical knowledge, interactive method, didactic games, knowledge, students.

Umumta'lim maktablarining "musiqa madaniyati" darslarida musiqa tinglash, jamoa bo'lib qo'shiq kuylash, musiqa jo'rligida o'yin va raqs harakatlarini bajarish, bolalar cholg'u asboblari chalinib, shuningdek, turli musiqiy, madaniy, ommaviy tadbirlarda qatnashish musiqiy faoliyatining asosiy mazmunini tashkil etadi. Ayniqsa, boshlang'ich sinflarda bolalar dunyosiga xos bo'lgan quvnoq, milliy ohanglarga yo'g'rilgan kuy-qo'shiqlarni tinglash, kuylash, musiqa asboblari chalinib, kuyga mos raqs va ritmik harakatlarni bajarish, bolalarda musiqa san'atiga qiziqishni kuchaytirish, amaliy ijrochilik uchun zarur ko'nikma va malakalarni shakllantirishda muhim omil sanaladi.

Musiqiy asarlarni tinglash va kuylashdan oldin o'qituvchining asar haqidagi tahliliy suhbat, o'quvchilarda musiqa ifoda etilgan voqelik, obrazlarining, g'ayaviy-badiiy mazmunini, musiqiy-nazariy bilimlarni o'zlashtirish hamda estetik dunyoqarashlarini o'stirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Musiqa asarlarini jamoaviy tarzda kuylash, tinglab tahlil qilish orqali uni ongli va hissiy idrok etish, ruhiy kechinmalar bilan bog'liq ravishda sodir bo'ladigan murakkab pedagogik va psixologik jarayondir. San'atning barcha turlari kabi musiqa san'atini tushunish va idrok etishga erishish uchun o'quvchi musiqiy-nazariy bilimlarni muayyan darajada egallagan bo'lishi lozim.

Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturida o'quvchilarning tayyorgarliklari qo'yilgan majburiy minimal talablarda nazariy bilimlarga alohida to'xtaliladi:

- xalq musiqa merosi haqida tushunchaga ega bo'lish;
- cholg'u asboblari bilish, tovush tembrlaridan ularni farqlash;

- musiqaga oid atamalarni bilish;
- nota yozuvi, sanog'i, kalitlar, dinamik va alteratsiya belgilari va ularning vazifalarini bilish va amalda qo'llay olish;

- birgalikda va yakka holda kuylay olish;
- musiqaning ifoda vositalarini bilish;
- ijrochilik turlarini (yakkaxonlik, yakkanovozlik, jo'rnovozlik, jamoaviy ijro) farqlay olish;

Bu talablar boshlang'ich sinflar uchun belgilangan bo'lib, butun musiqiy ta'lim mazmunini ushbu talab va mezonlarsiz tashkil etib bo'lmaydi [2].

Bugungi kunda musiqa ta'limi sohasida ham ilg'or pedagogik, innovatsion va axborot texnologiyalaridan foydalanish keng ommalashib bormoqda. Ta'lim subyektlari o'qituvchi, o'quvchilar guruhining dars materialini muvaffaqiyatli o'zlashtirishlari yuzasidan hamkorligi, bahsmunozaralari, o'zaro fikr almashishi asosida tashkil etiladigan darslar turli pedagogik texnologiyalar, ko'rgazmali va texnik vositalar asosida, shuningdek, didaktik o'yin shaklida uyushtiriladigan darslar pedagogik va interfaol metodlarning mazmunini tashkil etadi.

O'quvchilarning dars materialini o'zlashtirishida qulaylik tug'diruvchi qiziqarli, shu bilan birga ularni erkin fikrlash, shaxsiy qarash va mulohaza, fikrlash hamda o'tilayotgan mavzu, o'rganilayotgan bilimlar bo'yicha tushunchalarni ongli idrok etish orqali muammoli vaziyatlarda yechimlarni guruh bo'lib aniqlashlarida qo'l keladi. O'quv materialini o'zlashtirishda hamjihatlikka erishish "O'qituvchi – o'quvchi", o'quvchilar guruhining o'zaro fikrlashishi, tahlil qilish, umumlashtirish, yakuniy xulosaga kelish, shu jarayonda bir-birlarini fikrlarini qo'llab-quvvatlash bilan tavsiflanadi.

Respublikamizda ta'lim sohasida yuz berayotgan o'zgarishlarni kuzatish shuni ko'rsatdiki, hozirgi kunda o'qitish tizimida alohida yo'nalish sifatida trening uslubi keng qo'llanilayotganligi ma'lum bo'ldi. Biz ham o'z tadqiqiy izlanishlarimizda o'quvchilarni musiqiy-nazariy bilimlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirishlari va o'quv jarayonini samarali bo'lishida trening uslubi imkoniyatlaridan unumli foydalanishga harakat qildik. Trening, uning musiqa ta'limida, xususan, boshlang'ich sinflarda nazariy bilimlarni o'rganish jarayonida qo'lalnilishi uslubiy jihatdan o'ziga xos pedagogik yondashuv va mahoratni talab qiladi. Trening o'quvchilarni dars jarayonida muayyan muammoni (nazariy qoida, masalani) yechimi borasida erkin fikrlash, mushohada yuritish, o'zaro munosabatga kirisha olish ko'nikma va malakalarini shakllantirishda juda samarali uslubdir.

Trening o'tkazishda quyidagi jihatlariga asosiy e'tibor qaratiladi:

1. Nazariy mazmundagi masala mohiyatini to'g'ri anglash. Masalan, dinamik belgilar nomi, vazifasi, yozilishi.

2. Nazariy bilim musiqa tinglash, qo'shiq kuylash bilan bog'liq bo'lsa, musiqa asariga mos kayfiyatni vujudga keltirish. Masalan, asar xarakteri, tempi, janri, tonalligi va hokazo.

3. Masalani o'z fikri bilan tahlil qilish va uni misollar bilan asoslash.

4. Nazariy qoida mohiyatini ongli idrok etish, eshitib his etish, amaliy misollarga tayangan holda ko'rsatib berish, g'oyaviy-badiiy mazmunni anglash, asar mualliflari haqida ma'lumotlardan boxabar bo'lish.

5. Fikr, xulosalarni umumlashtirib, yakuniy natija haqida fikr bildirish.

6. O'qituvchi tomonidan sinf, o'tiladigan mavzu, o'quvchilarning individual qobiliyatlari, musiqiy tayyorgarlik darajalari inobatga olingan bo'lishi lozim.

Musiqiy-nazariy bilimlarni o'zlashtirishda yuqori samaradorlikka ega treninglar "Eslab qol" (nazariy mavzuga oid, yoki san'at turlari, xor, orkestr, atoqli kompozitorlar, dirijorlarga oid savollar tayyorlanadi, o'quvchilar o'z javoblarini yozishadi). "Bu kim" deb nomlangan trening o'quvchilarda topqirlik, xotirlash, yodga tushirish kabi xususiyatlarni rivojlantiradi. Turli kompozitor, xor, orkestr dirijorlari, atoqli musiqachi san'atkorlar rasmlari namoyish etiladi va ularni ismi, sharifi, yozgan, ijro etgan asarlari haqida ma'lumot so'raladi. "Bu qanday belgi" boshlang'ich sinflarda dastlabki nota savodxonligi bilan bog'liq belgilar nomi yozilishi, vazifasini aniqlash maqsad qilib qo'yiladi. "Men sevgan qo'shiq" mashg'uloti. O'quvchilarning musiqa asarini tahlil qilish, qo'shiqni yaxshi ko'rish sabablarini o'z so'zlari bilan tushuntirishga o'rgatadi. Shuningdek, "Kuyni top", "Davom ettir" nomli treninglar didaktik o'yinlar sifatida o'quvchilarda katta qiziqish bilan o'rganilayotgan mavzu bo'yicha zarur bilimlarni o'zlashtirishlarida samarali uslublardir. [1].

Musiqa darslarida nazariy bilimlarni o'zlashtirishda interfaol ta'limning "Bahs-munozara", "Doira stol atrofiga", "O'yla, izla, top", "6x6", "Klaster", "Blis so'rov", "Bumerang", "Zig-zak" strategiya kabi metodlardan foydalanish ham o'quvchilarning musiqiy-nazariy bilimlarni o'zlashtirish darajasini takomillashtirishida va dars samaradorligini ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Xulosa qilib aytganda musiqa ta'limi oldiga qo'yilayotgan zamonaviy talablardan kelib chiqib, o'quvchilarning o'quv dasturi materiallarini muvaffaqiyatli

Екинши класс «Ана тили ҳам оқиш саватлиги» китобини биринши бўлими, тийкаридан, оқишларини оқиш қонлиқсини раважланишига қаратилган болса, екинши бўлиминде лингвистикалиқ тўсиниклерге қобирек тапсирмалар берилген. Сес ҳам ҳариплерге тийисли тўсиниклерден: «Гўззал, ҳамме сўзлеринде биргелкили дауиссизлар сўйлеуде ҳам жазивда сақланад». «Б ҳарипи сўздин басында, ортасында, Р ҳарипи сўздин еситилген орнларинда жазила беред. Ақри Р сеслерине пикен сўзлерге дауисли сеслерден басланган қосимта жалганса, Р сеси Б сесине ўзгеред. Сесинде жазилди. **Мисали:** мектеп – мектеби, китоб – китоби» [6].

Ушинши класс «Ана тили ҳам оқиш саватлиги» китобини биринши бўлиминде сес ҳам ҳарип бойнша кеңнен тўсиник берилген. Бунда сеслердин жайласиш орнлари ҳақинда бōлек тоқталп, мисаллар менен аниқлиқ кiritилген [7].

Жане де, уш саватлиқтин екинши бўлиминде сес ҳам ҳарип тўсиниклери бойнша бирқанша материаллар берилген. **Мисали:**

«Дависсиз сеслер сўздин басында қабатласп келеди.

Мисали: клуб, планета, станица, стакан, трактор, стол *h.t.b.*».

«Дависсиз сеслер сўздин басында ҳам ақринда қабатласп келеди. **Мисали:** класс, грамм, спорт, спорт *h.t.b.*».

«Жазивда қоп бувинли сўзлердин бир жолга сыймай қалган бōлеклери екинши жолга бувин бойнша ўткериледи. Бу **ўткерме** деп аталади. **Мисали:** Мек-теп, су-виқ, Гўл-жа-мал, ки-йим, Иб-ра-йим *h.t.b.*

Еслепе: Сан менен келетуғин сўзлер ҳам меншикли атлиқлар саннын бўлинип кейинги жолга ўткерилмевди. **Мисали:** 3-«А» класс, 100 м, ТУ-134 *h.t.b.*» [8].

Тўртинши класс «Ана тили» (2020-йил басыдан шўғарилган) китобинда сеслердин бўлиниши ҳам алиппе тартиби ҳақинда келтирилп ўтилген. Сават барисинда орнланатуғин шўғарилар ҳам ўйге тапсирмаларда қоплеген мисаллар жардеминде бу бойнша тўсиниклерин байитп барив мўмкин [9].

Сони да айтп ўтишимиз кerek, сес – сўйлеу процесинде реал айтилган, қулагимиз бенен еситкен инсан ҳам басқа майда бōлекке бўлинбейтуғин сўйлеу ўзиндиси болп табилди. Бизлер сеслерди айтмайз ҳам еситемиз.

Ҳарип – сестин жазивдаги шартли белгиси болп табилди. Ҳариплерди қоремиз, жазамиз, оқиймиз. Ҳариплер фонемалардин жазивдаги қориниси, сўвретин болп табилди. 1. Сават ашиш дауиринде сес ҳам ҳарип пенен танитиш

дауисли сеслерди ўйретивден басланади. Ана тилимизде 9 дауисли фонема бар: а, а, о, о, и, и, у, у, е, е, ал, 25 дауиссиз сес бар. Булардан екewи ҳарип бирикпеси, жигирма ўши (23) дара ҳарип пенен белгилениди. Олар тōмендегилер: б, д, ф, г, г, х, х, ж, к, қ, л, м, н, н, п, р, с, т, в, в, у, з, ш, с, ч. Дауиссиз сеслерди ўйретивде де арнаули бир тартипке, талаппа аметилиди. Ҳарип бирикпелерин ўйретивдеги қийиншиқларди есаппа алган ҳалда, оларди алиппе дауиринин ақриг басқисинда ўйретив мақсетке мувапп болп табилди.

Сеслер ҳам олардин классификацияси: Сеслер авиз бослиғинда тосқинлиққа ушйраву ямаса ушйрамавуна қарай **дауисли** ҳам **дауиссиз** болп еки топарга бўлиниди.

Дауисли сеслер – авиз ҳам талам бослиғинда хешқандай тосқинлиққа ушйрамая пайда болатуғин, қурамы дауистан ибарат (shawқим дерлик қатнаспайтуғин) сеслер.

Дауиссиз сеслер – авиз ҳам талам бослиғинда ҳар турли тосқинлиққа ушйрап пайда болатуғин, қурамы тек шавқимнан ямаса сес ҳам шавқимнан ибарат сеслерге айтилади. Олардин айтилишинда ҳава агими партлап шўғари. Натийжеде, ҳартурли тартептен бир-бирин парқли дауиссиз сеслер пайда балади. Тилдеги дауиссиз сеслер системаси консонантизм (лат. consonans — дауиссиз сес) деп аталади. Дауис ҳам шавқимнин қатнаспуна қарай ўнли ҳам ўнсиз дауиссиз сеслер болп екиге бўлиниди.

Жувақлап айтатуғин болсақ, баславш класс оқишларина ана тили панин ўйретивде онин лингвистикалиқ қубилиш, морфологиялиқ ҳам синтаксислик байланисин жақси ўзлестире алиш тәминлеуде сес ҳам ҳариплерди жетик ўйренп бариву тийис деп ойлаймиз. Себеби, тил илми жуда қурамули тарав болп табилди. Он терең меңгерип алиш ушйрн ҳарбир бўлимин басқисипа-басқис оқишш санасында қалипестирп баривимиз зарур.

Тил илминин даслепки басқисип сипатинда сес ҳам ҳариплерди, сўз ҳам бувинларди анализ-синтез етивдин интерактив технология тийкаридан шолкемлестирив оқитишш икерлигиндеги дōретившилик процесс болп, оқишлар менен ўз ара биргелкте алип барилди. Бундай вақитта оқитишш ўзин тек билим берившш шахс емес, балким, оқишлардин белсендилегин педагогикалиқ ҳам психологиялиқ тартептен шолкемлестиретуғин оқитишш сипатинда сезини зарур.

Адебиятлар

1. «Билимлендирив ҳақинда»ғи Низам. –Т.: 23.09. 2020.
2. «Миллий о'қув дастури». –Т.: 2020.
3. Ернараров Г'. Босхланг'ич синфларда она тили о'қитиш методикаси, Педагогика коллежлари учун о'қув қўлланма. –Т.: "Илим зийо". 2013.
4. Абдиназимов Ш., Абдижабарова Х., Успанова Ж. Алиппе 1-класс ушун саватлиқ. –Т.: Республика билимлендирив орайи. 2022.
5. Абдиназимов Ш., Исмаилова З., Қутлимуратов Б., Қутлимуратова Г., Салиева П. Ана тили ҳам оқиш саватлиғи 2-бўлим. 1-класс ушун саватлиқ. –Т.: Республика билимлендирив орайи. 2021-ж.
6. Абдиназимов Ш., Исмаилова З., Қутлимуратов Б., Қутлимуратова Г., Салиева П. Ана тили ҳам оқиш саватлиғи 2-бўлим. 2-класс ушун саватлиқ. –Т.: Республика билимлендирив орайи. 2021.
7. Абдижабарова Х., Успанова Ж. Ана тили ҳам оқиш саватлиғи 1-бўлим. 3-класс ушун саватлиқ. –Т.: Республика билимлендирив орайи. 2022.
8. Абдижабарова Х., Успанова Ж. Ана тили ҳам оқиш саватлиғи 2-бўлим. 3-класс ушун саватлиқ. –Т.: Республика билимлендирив орайи. 2022.
9. Дауенов Е., Қудайберганова М., Успанова Ж. Ана тили. 4-класс ушун саватлиқ. –Н.: «Қарақалпақстан», 2020.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолда босхланг'ич синф она тили дарсларида товувш ва харфларни о'қитиш босқичлари бо'йича фикр юритилди. Она тили дарсларида о'қувчилар товувш ва харфлар билан танитиб борди ва уларнинг то'ғри юзлеш ко'никмаларини шакллантириш, о'қувчиларнинг орфографик саводхонлигини ошйриш ко'никмаларини кенгайтириш зарур масала сипатинда олиб қаралган.

РЕЗЮМЕ. В статье обсуждаются этапы обучения звукам и буквам в начальных классах родного языка. На уроках родного языка учащиеся знакомятся со звуками и буквами, и считается необходимым расширить их навыки правильного письма.

SUMMARY. This article discusses the stages of learning sounds and letters in primary mother tongue classes. In mother tongue lessons, students are pronounced to sounds and letters, and it is considered necessary to expand their correct writing skills.

БЎЛАЖАҚ ЎҚИТУВЧИЛАРДА РИТОРИКАНИ ЎРГАНИШГА ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

С.Ю.Пахратдинов – мустақил тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: риторик муаммо, психологик ёндашув, асосий мезонлар, педагогик риторика, ижодий фикрлаш, оғзаки ва ёзма коммуникация, босхланг'ич синф ўқувчиси, таълим сифати, жамият.

Ключевые слова: риторические вопросы, психологические подходы, первичные вопросы, педагогика, творческое мышление, устная и письменная коммуникация, учащиеся начальных классов, качество образования, общество.

Key words: rhetorical questions, psychological approaches, primary questions, pedagogy, creative thinking, oral and written communication, primary school students, quality of education, society.

Риторика, “нутқ ҳақидаги фан бўлиб, унинг предмети нутқни қуриш ва олиб бориш қоидалари ва тавсияларидир”. Бинобарин, ушбу қоидаларни билиш

келажақда риторика ўқитувчисининг махсус тайёргарлиги учун назарий асосдир.

Риторикани ўқитишга тайёрлик мазмунининг ўзига

хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биз бошланғич синф ўқувчиларига риторикани ўқитишга касбий мувофиқлиги таркибидан ўқитувчи шахсининг йўналиши ва унинг нутқ физиологияси билан боғлиқ жисмоний фазилатлари каби элементларни ажратаб кўрсатамиз. Биз ўқитувчининг риторикани ўқитишга бўлган касбий қобилиятини унинг тегишли касбий тайёргарликка эга бўлган кичик мактаб ўқувчиларига риторикани муваффақиятли ўргатиш истаклари ва имкониятлари ҳисобланади. Келажакдаги риторика ўқитувчисининг тайёрлигини шакллантириш деганда биз унинг махсус ва услубий билимлари ва уларга мос маҳоратлари мажмуасини тушунаемиз.

Ушбу мақсадга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида ҳам таълим мазмуни шахсининг ўзини ўзи белгилашини таъминлашга, унинг ўзини ўзи англаши учун шароит яратишга, шунингдек, шахсининг жаҳон ва гуманитар маданият тизимларига интеграцияланишини таъминлашга қаратилиши кераклиги таъкидланган [1].

Педагогика соҳаси олимларининг таъкидлашларича, қатор муаммоларнинг бартараф этилишида риторика муҳим аҳамиятга эга. Махсус тадқиқотлар таҳлиладан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, олимлар шахсиятни ривожлантириш жараёнида риторика функциялари, биринчидан, шахсиятнинг ўзини ўзи англаш муаммоларини ҳал қилиш қилиш ва унинг англашини ривожлантириш билан, иккинчидан эса, “қучли лисоний шахс”нинг шаклланишида, унинг муҳим жиҳатлари маълум бир коммуникатив концепция ва нутқ маданиятига асосланган нутқни қуриш асосларини ўзлаштиришдан иборатлигини кўрсатади.

Хорижий мамлакатлар риторикасини ўрганиш тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, яъни, масалан, америкаликлар риторикани нафақат гуманитар мавзулардан бири сифатида ривожлантиришда давом этишмоқда. АҚШда риторикани у ёки бу шаклда ўқитиш таълимнинг барча даражаларида барча ўқув дастурларига мажбурий фан сифатида киритилган. Университетлар ва махсус таълим муассасалари мактаб таълими асос солган риторик қобилиятларни ривожлантириб борадилар.

“Мустақил фикрлашга қодир” бўлган замонавий ижтимоий эҳтиёж ўз навбатида фикрлаш маҳсулини шакллантириб – маълум бир ижтимоий ҳудуд учун ҳаётий муҳим муаммонинг ўзига хос эчимини ишлаб чиқаради.

Риторикани олий таълим ташкилотларига янги ўқув предмети сифатида қилиш учун унинг асосий вазифалари, мазмуни, усуллари, методлари ва ўқув қўлланмаларини, шунингдек, асосий тамойилларини ва ғояларини тушуниш талаб этилади. Шу мақсадда дарслик тўпламлари ўқитувчи учун риторика дарсларини махсус ўқув дастурлари асосида тематик режалаштириш, ўқитишнинг асосий усуллари ва услублари, асосий ғоялари тавсифини ўз ичига олган услубий тавсиялар билан, шунингдек, таклиф қилинган мавзулар бўйича ҳар бир машғулот учун дарс ишланмалари билан тўлдирилиб борилади [3].

Шундай қилиб, риторика ўқитувчисига бўлган эҳтиёж ва бундай ўқитувчини тайёрлаш муаммоси бўйича махсус тадқиқотларнинг етишмаслиги ўртасидаги жиддий зиддиятлар биз танлаган тадқиқот мавзусини долзарб деб ҳисоблашга асос беради. Олий таълим ташкилотлари ўқитувчиларининг тайёргарлигини шакллантиришда асосий педагогик шартлари қандай?

Ушбу хулоса бизга ўқитувчининг кичик мактаб ўқувчиларининг риторикасини ўргатишга тайёрлигининг тегишли таркибий қисмларининг мазмунини маълум бир ишонч билан тақдим этишга имкон беради.

Бизнинг фикримизча, бўлажак риторика ўқитувчисининг амалий тайёргарлиги, машғулотларда илмий ва назарий тайёргарлиги малакали ишлаш учун зарур бўлган касбий билимларни: риторика соҳасидаги махсус билим ва кўникмалар, ОТМ ларда ушбу фанни ўқитиш методикасини билишни ўз ичига олади. Келажакда риторика ўқитувчисининг амалий тайёргарлиги номланган билим соҳаларига мос келадиган касбий маҳорат ва қобилиятларни ўз ичига олади, яъни риторика соҳасидаги махсус кўникмалар ва ушбу мавзунини ўқитиш усуллари ишлаб чиқилади.

Биз юқорида белгиланган бўлажак ўқитувчининг риторикани шакллантириш ва ўқитишга тайёрлиги асосида ушбу сифат мавжудлигининг қуйидаги умумлаштирилган кўрсаткичларини ажратамиз:

- риторикани ўқитишга қизиқиш ва иштиёқ;
- нутқ аппаратида тузулиш ва функционал жиҳатдан аномал ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;
- риторика соҳасига оид махсус билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги;
- болаларни риторикага ўқитиш соҳасида услубий билим ва кўникмалар эгаллиги;

Риторика ўқитувчисининг махсус билим ва кўникмаларига қўйиладиган асосий талабларни аниқлаш учун биз олимларнинг нотиклик санъати назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқотларига мурожаат қилдик. Таҳлиллар натижасида биз ўқитувчининг нотиклигига қўйиладиган талабларни топдик ҳамда уларни риторика ўқитувчисининг махсус тайёргарлигига лозим бўлган жиҳатларини асос қилиб олдик.

Гарчи нотиклик ва риторика ўқитувчиси турли хил профессионал функцияларни бажаришса ҳам: биринчиси белгиланган мукамал ижтимоий “супер вазифа” ни юқори даражада мукамал нутқ қобилиятлари ёрдамида ҳал қилади, иккинчиси эса оғзаки нутқни ўзлаштиришга ўргатади. Биз ўз тадқиқотимиз жараёнида ушбу тушунчаларни “бадий нотиклик билан профессионал шугулланувчи шахс” маъносида аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Риторикани ўқитиш технологиясида ўқувчига таъсир ўтказиш ўқитувчининг шахсий нутқ тажрибасини очиб бериш, намойиш этиш ва етказиш сифатида амалга оширилади. Шу билан бирга, риторика унинг касбий фаолияти воситаси сифатида ишлайди. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб риторик таълимотга ўқитувчининг тайёргарлигини такомиллаштириш учун қуйидаги тузилмани ишлаб чиқдик:

- субъект – риторика ўқитувчиси – ўқувчи;
- предмет – ўқувчиларнинг нутқ фаолияти;
- ўқитиш воситаси – риторикага ўқитиш;
- жараён – риторикани ўқитиш;
- маҳсулот – ўқувчиларнинг баёнотлари.

Риторика мазмунини ўқув интизоми сифатида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу соҳадаги махсус билимлар тизимини ўзлаштириш билан боғлиқ:

- риториканинг ривожланиш тарихи ва унинг замонавий концепцияси;
- Риторика предмети ҳақида;
- нутқ устида ишлаш кетма-кетлиги тўғрисида;
- ҳар бир босқичдаги ишларнинг мазмуни тўғрисида;

- ҳар бир босқичдаги ҳаракат усуллари ҳақида.

Риторика ўқитувчиси махсус маҳоратининг таркибини биз нотикга қўйиладиган қуйидаги классик талаблар билан боғлаймиз:

- нима дейишни топмоқ;
- топилган фикрини тартибга солиш;
- унга тегишли оғзаки шаклни бериш; буларнинг барчасини хотирада тасдиқлаш;
- нутқ сўзлаш.

Тадқиқотчи олим Ю.В.Рожественский маърузачилигим билан кўникмаларига қўйилган талабларни, шунингдек, баъзи бир ўзгаришлар билан, келажакдаги риторика ўқитувчисининг тайёргарлигини махсус шакллантириш таркибига киритади, чунки улар юқоридаги қоидаларни аниқлаштириб беради:

- нутқ жараёнининг асосий ижтимоий, психологик ва педагогик хусусиятларини билиш;

- нутқ ёки суҳбат учун материал танлаш ва уни нутқнинг мақсадига мувофиқ, композиция, мантқиқ ва психология қонунларига, шунингдек оғзаки нутқнинг ўзига хос хусусиятлари ва тингловчиларнинг хусусиятларига мос равишда тартибга солиш қобилияти;

- тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ёрдамида нутқ сўзлаш;

- оғзаки нутқнинг мукамал эгаллаш: овоз, мимика, интонация, имо-ишора, нутқ маданиятининг барча талабларига риоя қилиш;

- суҳбат, мунозара олиб бориш қобилияти [3].

Юқоридаги ўқув курсларида мувофиқ умумтаълим мактаблари ўқитувчисини тайёрлашнинг мазмуни, жараёни ва натижаларини таҳлил қилишдан кўриниб турибдики, уларни мавжуд шароитда ўргатиш фақат махсус ва услубий машғулотларнинг бир қисми бўлган билан ва кўникмаларнинг алоҳида элементларини шакллантиради ҳамда бошланғич синфларда риторика ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги учун мотивацион асосларни шакллантириш вазифасини бутунлай чиқариб ташлайди. Шу аснода, биз риторика ўқитувчисининг махсус ва услубий билимлари ва кўникмаларининг бутун комплексини шакллантириш муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, унинг профессионал йўналишини ривожлантириш учун ушбу курсларнинг имкониятлари етарли эмас деган хулосага келдик. Бинобарин, бир томондан, умумтаълим мактаблари ўқитувчисини тайёрлаш таркибидagi мавжуд зарур элементларни келажакдаги риторика ўқитувчисининг касбий йўналишини ва касбий тайёргарлигини шакллантиришга йўналтириш зарурати пайдо бўлди, иккинчидан, бўлажак риторика ўқитувчисининг йўналишини ва махсус тайёргарлигини шакллантириш учун бўлажак риторика фани ўқитувчиси етишмаётган ўқув фанлари билан ўқитиш мазмунини тўлдириш эҳтиёжи туғулади.

Келажакда бўлажак риторика фани ўқитувчисини риторикани ўқитишга тайёрлаш жараёнини моделлаштиришда биз доимийлик ва изчилликнинг умумий педагогик тамойилларига асосландик. Шундай қилиб, синфлар факультетида ташкил этилган "Педагогик маҳорат" ва "Рус тилини ўқитиш методикаси" каби фанларни ўргатиш тартибини бузмасдан, биз махсус билан ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув ишларида риторика соҳасига оид 3 ва 8 семестр-

ларда қўшимча курсларни киритиш имкониятига эга-миз. Шу асосда, бўлажак риторика фани келажакдаги мактаб ўқитувчисининг риторикани ўқитишга касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг яхлитлиги таъминланади.

Шундай қилиб, келажакда бўлажак ўқитувчининг риторикага тайёргарлигини шакллантириш жараёнида назарий таҳлил асосида бизнинг позициямиз аниқланди:

1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш учун ўқитувчини касб-хунарга ўргатиш моделида риторика, унинг бошланғич синфларининг касбий тайёргарлигини шакллантириш тизимидаги кичик тизим бўлган мақсад, мазмун ва процессуал яхлитликнинг тизимли алоқаларида акс этиши керак.

2. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ўқувчиларга риторикани ўргатишга тайёргарлигини шакллантириш тизимининг яхлитлигига қуйидаги ўзаро тўлдирувчи шартлар амалга оширилгандагина эришиш мумкин:

- касбий фаолиятнинг асосий жараёнини мақсадга йўналтириш умуман, шунингдек, умумтаълим мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ўқув фанлари таркибида танланган риторика билан мосликни шакллантириш бўйича, бўлажак риторика ўқитувчисини махсус ва услубий тайёрлаш;

- умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг таълим мазмунини кичик мактаб ўқувчиларига риторикани ўргатишда тайёрликни шакллантиришдаги функцияларига мувофиқ нутқ назарияси ва амалиёти билан алоқаси бўлган ўқув фанлари билан мувофиқ равишда мослаштириш;

- риторикани ўқитиш учун касбий мувофиқликни ривожлантиришга ва келажак риторика ўқитувчисининг махсус ва услубий тайёргарлигини шакллантиришга йўналтирилган махсус курсларни ишлаб чиқиш;

- риторика билимларини ўзлаштирувчи ўқитувчиси таълим мазмунини бошланғич мактаб ўқитувчисининг асосий тайёргарлиги ва махсус ишлаб чиқилган ўқув курслари таркибидagi элементлардан қуриш;

- умумтаълим мактабларида риторика ўқитувчисининг тайёргарлигини шакллантиришда ифода-даланган асосий ва қўшимча таълимнинг узлуксизлиги хусусиятлари асосида умумий ривожлантириш тизимида ёш мактаб ўқувчиларини риторикага ўқитишга тайёрликни шакллантириш. бўлажак риторика ўқитувчисини ўқитиш мазмунини ташкил этувчи фанларни ўргатиш, унинг касбий йўналишини шакллантиришнинг кетма-кетлиги (касбий қизиқишларини ўзгартириш орқали) ва касбий тайёргарлигини шакллантириш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637 – сонли Қонуни.
2. Рожественский Ю.В. Теория риторики. - М., 1999.
3. Халиков А.А. "Педагогик маҳорат". Дарслик. – Тошкент, MOLIYA-IQTISOD – 2013. – 446 бет.
4. Юнина Е.А., Сагач Г.М. Общая риторика (современная интерпретация). - Пермь, 1992. - 195 с.

РЕЗЮМЕ. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида риторикани ўрни, мунтазам шакллантириб бориши, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, яъни болада ижобий муносабатни шакллантириш, ўқитиш саводхонлигини таркиб топтириш, уларда мантқиқий ва ижодий тафаккурни шакллантириш, уларни оғзаки ва ёзма мулоқот меёрларини эгаллашга ҳамда ўз-ўзини бошқаришда риторикани ўрни ушбу мақолада ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ. Важна риторическая интеллект и широта духовного мира будущего учителя. Педагогическая деятельность педагога непрерывна, следует уделять серьезное внимание систематическому формированию педагогической риторической способности. В статье отражены особые требования будущего педагога к педагогической риторике, этике и манерам, сердечности.

SUMMARY. The rhetorical culture and the breadth of the spiritual world of the future teacher are important. The pedagogical activity of a teacher is continuous, serious attention should be paid to the systematic formation of a pedagogical rhetorical culture. The article reflects the special requirements of the future teacher for pedagogical rhetorical culture, ethics and manners, cordiality, secular etiquette.

ОИЛАДА МУСИҚА ЁРДАМИДА БОЛАДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Сент-Энон Амиде Юсуф кизи – ассистент ўқитувчи

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: мусиқа, оила, эстетика, истеъдод, педагогик усуллар, тарбия.**Ключевые слова:** музыка, семья, эстетика, талант, педагогические методы, воспитание.**Key words:** music, family, aesthetics, talent, pedagogical methods, education.

Минг йиллар давомида оила шахнинг жамиятлашувининг асосий шакли бўлиб келган. Одамнинг шаклланишидаги оиланинг ўрни ҳақидаги масала кўплаб олимлар диққатини жалб қилган ва қарама-қарши фикрлар шаклланган. Қадимги файласуфлар, хусусан Афлотуннинг фикрига кўра дунёнинг барча ёвузликлари, одамларнинг ўз фойдасини кўрган ва табақаларнинг тенг эмаслиги биринчи навбатда оиладаги тарбия шароитларининг тенгсизлик мавжудлигидан ўсиб чиқади. Ота-оналарнинг ўз фарзандига нисбатан чексиз меҳри боладаги ватанпарварлик ва бошқа инсоний фазилатларни ривожлантиради, келажакда оила ҳаётига тайёр бўлган жисмонан ва руҳан соғлом, ахлоқий, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиради. Оила тарбиясининг таркибий қисмлари, кенг тарқалган соҳалар- жисмоний, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, меҳнат тарбиясидан иборат.

Оилада мусиқий ва эстетик тарбия боладаги истеъдодни ривожлантиришга ва ҳеч бўлмаганда уларда нафосат ҳақида тушунча бўлишига қаратилган.

Мусиқа, шеърят, бадий санъат- маънавий кадриятлар тарқалишнинг чексиз имкониятидир. Ёзувчи ва интеллектуал шаклланиш ҳақидаги тасаввурни ривожлантиришда боланинг мусиқий тарбияси жуда муҳимдир[3]. Мусиқий тарбия ва мусиқий таълим деярли синонимлардир, бироқ уларда фарқ ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шарт-шаройитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни жорий этди. Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни санъат ва маданият масканларига кенг жалб этиш, ўз иқтидорларини намойён этишлари учун зарур шароитлар яратишга қаратилган.

